

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» ФАКУЛЬТЕТИ**

**«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ» кафедраси**

**«ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛАДИ»**

Кафедра мудири \_\_\_\_\_ проф. Р.Холбеков

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2014 й.

**“ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИЗИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ ВА  
АУДИТИ”**

**мавзуси бўйича ёзилган**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**«Ҳимояга тавсия этилади»**

Илмий раҳбар:

доц.Ф.Абдувоҳидов

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2014 й.

**Бажарди:** «Бухгалтерия ҳисоби ва

аудит» йўналиши 4 курс битирувчи

талабаси А. Дадабоев

**Т О Ш К Е Н Т – 2012**

## Мундарижа

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>1-Боб. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида тижорат банкларида лизинг муносабатлари ҳисоби ва аудитининг назарий асослари.....</b>	<b>5</b>
1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида лизинг операция-ларининг ўрни ва аҳамияти .....	5
1.2. Тижорат банкларида лизинг муносабатлари ҳисобининг ташкилий асослари.....	12
1.3. Тижорат банкларида лизинг операциялари аудитининг назарий ва услубий асослари.....	15
<b>2-Боб. ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида лизинг операциялари ҳисоби амалиёти ва уни такомиллаштириш йўллари ....</b>	<b>19</b>
2.1. ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш .....	19
2.2. Хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш тизимида банкларнинг лизинг муносабатлари ҳисоби маълумотлари .....	23
2.3. ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида лизинг тўловлари ва уларни бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш .....	26
<b>3-Боб. ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида лизинг операциялари аудитини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш йўллари.....</b>	<b>31</b>
3.1. ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида лизинг операциялари аудитини ташкил этиш .....	31
3.2. ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида лизинг операциялари ички аудитини такомиллаштириш .....	37
<b>Хулоса ва таклифлар .....</b>	<b>41</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Иқтисодиётни модернизациялашни янада ривожлантириш жараёнида бизнес операциялари турларидан бири-лизинг (молиявий ижара) дан кенг фойдаланилмоқда. Бунда машина ва ускуналар ёки умумий асосий воситалар миллий мажмуини жаҳон стандартлари даражасидаги янги техника билан таъминлашда маблағ ажратаётган молия институтлари, шу жумладан, тижорат банклари муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабли, ноанъанавий молиявий воситалардан бири, лизинг хизмати юзага келди. Ушбу хизмат тури ҳам мижозлар, ҳам тижорат банклари учун бир мунча маъқул бўлганлиги сабабли, кенг ривожлана бошлади. Бундай операцияларнинг ривожланиши туфайли тижорат банкларида амалга оширилаётган лизинг операциялари ҳисоби ва аудитини янада такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маърузаларида «... ўтган йили тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 46 баробардан зиёд кўпайди. Натижада бугунги кунда банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этмоқда, бу эса банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган талабдан уч баробар кўпдир. Банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан зиёд бўлиб, бу жаҳон амалиётида умумий тарзда қабул қилинган, «юқори» деб аталадиган кўрсаткичдан 2,2 баробар ортиқдир<sup>1</sup> деб таъкидлаган.

Ҳозирги кундаги лизинг ишлаб чиқаришни молиялаштириш бўйича банкларнинг ишбилармонлар доираси билан ўзаро муносабатларининг тарихий таркиб топган шакл ва услубларини инкор этмасдан, аксинча, уларни тўлдиради ва бойитади. Айниқса, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини жадаллаш-тиришни таъминлашда лизинг операцияларини ривожлантириш, унинг ҳисобини тўғри ташкил этиш, юритиш ва аудит мониторингини олиб боришни такомиллаштиришнинг муҳимлиги бизнинг битирув малакавий ишимиз мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Тижорат банкларининг лизинг операциялари, унинг ҳисоби ва аудитини ташкил этишга чет эл иқтисодчи олимларидан А.Аренс, В.Андреев, Г.Белоглазова, Е.Лебедев, И.Балабанов, И.Лаврушин, И.Маманова, В.Газман, С.Катрин, В.Горемыкин, П.Камышанов, Н.Васильев, шунингдек, республикамыз олимлари А.Қодиров, Н.Каримов, З.Маматов, О.Собиров, Д.Ғозибеков, С.Норқобилов, А.Ибрагимов, Р.Дўсмуратов, Ф.Абдувахидов, О.Қулжоновлар ўз ҳиссаларини қўшганлар ва қўшиб келмоқдалар. Ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида лизинг операцияларининг ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари ўз ифодасини топган, лекин уларда тижорат банкларида лизинг операцияларининг ҳисоби ва аудити муаммоси тўлиқ ўз ифодасини топмаган. Лекин ушбу қайд қилинган илмий ва услубий ишларда асосий эътибор ҳўжалик субъектларида лизинг ҳисоби ва аудитига қаратилган бўлиб, тижорат банкларида лизинг муомалаларини бухгалтерия ҳисобида юритиш, уларнинг аудитини ташкил этиш масалалари яхлит тизим сифатида ўрганилмаган.

Тижорат банкларида лизинг операциялари ҳисоби, уларнинг аудитини ташкил этиш, ташқи ва ички аудитда лизинг операцияларининг аудиторлик текшируви масалаларининг ишлаб чиқилмаганлиги ушбу битирув малакавий ишнинг мавзуси, мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳисоби ва аудитини ташкил қилиш ҳамда уни такомиллаш-тириш бўйича назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдир.

---

<sup>1</sup> ЎзР Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом этириш йили бўлади” номлимаърузаси. (“Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 17 январь).

Битирув малакавий ишнинг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни кўриб чиқиш режалаштирилган:

– молиявий-иқтисодий тизимга интеграциялашув жараёнида лизинг операцияларининг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш;

– тижорат банкларида лизинг муносабатлари ҳисобининг ташкилий асосларини таҳлил этиш;

– тижорат банкларида лизинг операциялари аудитининг назарий ва услубий асосларини тадқиқ қилиш;

– лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тартибини таҳлил этиш;

– хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш тизимида банкларнинг лизинг муносабатлари ҳисоби маълумотларини шакллантириш масалаларини ўрганиш;

– лизинг тўловлари ва уларни бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш юзасидан фикрлар бериш;

– лизинг операциялари аудитини ташкил этиш тартиби билан танишиш;

– лизинг операциялари ички аудитини такомиллаштириш юзасидан фикрлар билдиришдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг** объекти, ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалик филиалининг лизинг операциялари ҳисоби ва аудитини ташкил қилиш тизими фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети.** ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалик филиалида лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ўрганиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.**

- молиявий-иқтисодий тизимга интеграциялашув жараёнида лизинг операцияларининг ўрни ва аҳамияти ўрганилди;

– тижорат банкларида лизинг муносабатлари ҳисобининг ташкилий асослари таҳлил этилди;

– тижорат банкларида лизинг операциялари аудитининг назарий ва услубий асослари тадқиқ қилинди;

– лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тартиб таҳлил этилди;

– хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш тизимида банкларнинг лизинг муносабатлари ҳисоби маълумотларини шакллантириш масалалари ўрганилди;

– лизинг тўловлари ва уларни бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш юзаси фикрлар берилди;

– лизинг операциялари аудитини ташкил этиш тартиби билан танишилди;

– лизинг операциялари ички аудитини такомиллаштириш юзасидан фикрлар билди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки,** у Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида лизинг муомалаларини бухгалтерия ҳисобида юритишни халқаро ва миллий стандартларга мос равишда ҳисобга олиш, лизингнинг аудитини ташкил этиш ва уни амалга оширишда юзага келаётган муаммоларни ижобий ҳал этишда салмоқли ҳисса қўшади деб ҳисоблаймиз.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Ишда билдирилган фикр-мулоҳазалар иқтисодиётни модернизациялаш шароитида лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга назарий жиҳатдан қўмак беради. Бу ўз навбатида, бухгалтерия ҳисобини юритишда маълумотлар баъзасини шакллантиради ва таҳлил қилишда зарурий ахборотлар билан таъминлайди ҳамда тижорат банкларининг молиявий фаолият жараёнларининг самарадорлигини оширишга қўмаклашади.

**Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши ва ҳажми.** кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

## **1-Боб. Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида тижорат банкларида лизинг муносабатлари ҳисоби ва аудитининг назарий асослари**

### **1.1. Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида лизинг операция-ларининг ўрни ва аҳамияти**

Ўзбекистон Республикаси иқтисодийнинг етакчи тармоқларидаги қайта қурилишлар муносабати билан, молиявий тузилмалар ва энг аввало мамлакатимизнинг машина ва ускуналар миллий паркини жаҳон андозалари даражасидаги янги техника билан таъминлаш учун инвестиция маблағлари ажратаётган молия институтлари олдига катта вазифалар қўйилмоқда. Бу вазифани молиялашнинг фақат анъанавий усули – банк кредити ва бошқа кредитларга таянган ҳолда муваффақиятли ва жадал суръатларда ҳал этиб бўлмайди. Ҳозирги кунда кўпгина хўжалик субъектларида ўз маблағларининг йўқлиги ёхуд банкларда мақбул шартлар асосида кредит маблағлари олиш бир қатор муаммолар билан боғлиқлиги туфайли, бу йўл бир мунча мураккаб бўлиб қолмоқда. Бундай қарама-қаршиликлар янги муносабатларнинг шаклланишига олиб келади. Мана шундай қалтис вазиятни ҳал этиш учун ҳаракатсиз қолган ишлаб чиқариш воситаларини ишсизларга вақтинчалик фойдаланишга – ижара (лизинг) га бериш ғояси янада илгари сурилади.

Лизинг бир вақтнинг ўзида молиялаш ва янги технологияларни харид қилиш масалаларини ҳал этиш, айланма маблағларни тўлдириш ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун маблағларни озод қилиш имконини берувчи ноанъанавий молиявий воситалардан биридир.

Ўзбекистонда «Лизинг тўғрисида»ги қонунга мувофиқ лизинг (молиявий ижара) га ижара муносабатларининг алоҳида тури сифатида қаралади, бунда бир томон (лизинг берувчи) бошқа томон (лизинг олувчи) нинг топшириғи билан учинчи томон (сотувчи) дан лизинг шартномасида белгиланган мулкни (лизинг буюми) қўлга киритади ва уни лизинг олувчига шартномада белгиланган ҳақ эвазига 12 ойдан юқори муддатга эгаллик қилиш ва фойдаланишга беради<sup>2</sup>.

Инглиз тилида тезкор (оператив) ва молиявий лизинг тушунчалари мавжуд. Бизнинг қонунчилиққа кўра, оператив лизинг «ижара» деган маънони англатади, молиявий лизинг эса «молиявий ижара» ёки «лизинг» маъносини англатади<sup>3</sup>.

Чет эл адабиётларида лизингнинг бошқача таърифлари ҳам учрайди. Баъзи иқтисодчилар лизингни кўчар ва кўчмас мулкни узоқ муддатга фойдаланиш ҳуқуқини берувчи молиявий операция тури, деб ҳисоблайдилар<sup>4</sup>.

Адабиётларда мулкни хусусий қилиб сотиб олиш ва кейинчалик маълум тўлов асосида вақтинча фойдаланишга бериш туфайли юзага келувчи мулкий муносабатлар лизинг деб аталади, деган фикрлар учрайди<sup>5</sup>. Бунинг оқибатида лизингнинг мазмуни ва аҳамияти назариётда ҳам, амалиётда ҳам турлича талқин этилмоқда. Айрим манбаларда лизинг вақтинча бўш турган ёки жалб этилган маблағни инвестициялашга йўналтирилган тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида тури, деб таърифланади, бунда молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича битта шахс битимда келишилган мулкни маълум сотувчидан хусусий мулк қилиб олиш мажбуриятини олади ва тадбиркорлик мақсадида вақтинча фойдаланиш учун бу мулкни бошқа шахсга бериб туради<sup>6</sup>.

Юқорида келтирилган таърифларни умумлаштириб, молиявий лизинг муносабатларининг бирон-бир томонига баён этилганлигини кўриш мумкин, лекин

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси «Лизинг тўғрисида» ги Қонуни 14.04.1999 й. –Т.: 1999 й. -11 б.

<sup>3</sup> Жарковская Е.П. «Банковское дело» -М.: «Омега-Л», 2006. 452 с. -С 253.


<sup>4</sup> Казимагамедова А.А., Гаджиев А.А. «Деньги, кредит, банки: Учебник». –М.: Издательство «Экзамен», 2007. 559 с. -С 232-233.

<sup>5</sup> Жуков Е.Ф. «Банки и банковские операции». Учебник для ВУЗов. –М.: «Банки и биржи», «ЮНИТИ», 2007. 128 с. –С 88.

<sup>6</sup> «Временное положение о лизинге». Утверждено Постановлением Правительства РФ от 29 июня 2005 года № 633.

молиявий лизингни иқтисодий моҳиятини тўлиқ ифодалаш бўйича етарлича фикрлар билдирилмаган.

Бизнинг фикримизча, молиявий лизинг муносабатлари пайдо бўлган молиявий – иқтисодий муҳитни ҳисобга олиш, шунингдек, лизинг юзага келган ва ривожланган мамлакатлардаги макроиқтисодий вазиятни идрок этиш лозим бўлади. Бизнесни самарали бўлишига эришишда лизинг муносабатларининг асосий хусусиятларини ажратиб олиш муҳим ҳисобланади (1-чизмага қаранг).



1-чизма. Лизинг муносабатларининг асосий хусусиятлари

Шундай қилиб, иқтисодиётда мулкдан фойдаланишнинг янги шакли- молиявий ижара (лизинг) вужудга келди ва ривожлана бошлади. Лекин лизинг оддий ижара муносабатларидан ўзининг ҳам назарий, ҳам амалиётда қўлланиши жиҳатидан бирмунча фарқ қилади.


Бугунги кунда лизинг амалиётларининг кундан-кунга кенгайиб бораётганлиги ҳамда унинг турли хилдаги шакллари ва турлари қўлланилаётганлиги сабабли, лизинг тушунчаларига аниқлик киритиш ва унинг туб моҳиятини очиб бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Лизингнинг энг кўп тарқалган тури сифатида қуйидагича гуруҳлаш таклиф этилган:

- оператив ёки хизмат кўрсатувчи лизинг;
- молиявий, капитал ёки тўғри лизинг;
- қайтариладиган лизинг<sup>7</sup>. Ушбу гуруҳлаш энг оддий ва амалиётда кенг қўлланилади.

Лекин унда лизингнинг тўлиқ моҳияти ва хусусиятлари очиб берилмаган. Шу сабабли муаллиф томонидан лизингни гуруҳлаш таклиф этилди (1-чизмага қаранг).

Бунда лизингни гуруҳланишининг энг оддий усулларидан бошлаб, энг мураккаб хусусиятлари бўйича туркумланиши таклиф қилинмоқда. Шу нуқтаи назардан муаллиф томонидан улар умумлаштирилиб, умумий ва хусусий томонлари ҳисобга олиниб, туркумланди.

<sup>7</sup> Казимагамедова А.А., Гаджиев А.А. «Деньги, кредит, банки: Учебник». –М.: Издательство «Экзамен», 2007. -559 с. С 232-233.



**2-чизма. Лизинг операцияларини гуруҳлаш тартиби**

- лизинг объекти лизинг шартномасининг муддати тугаши билан лизинг олувчининг хусусий мулкка ўтади;
- лизинг объектдан фойдаланиш муддати шартнома муддатидан кўпроқ бўлиши

назарда тутилади;

- лизинг олувчи лизинг объектини бозор баҳосидан паст баҳода ёки лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг белгиланадиган, шунингдек, қолдиқ қиймат бўйича сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади;

- лизинг шартномаси даврида лизинг тўловларининг умумий сўммаси (солиқлардан ташқари) лизинг объекти қийматига тенг ёки ундан ортиқ бўлиши лозим;

- ижарага берилган лизинг объектининг фойдаланиш хусусиятларини лизинг олувчи қайта ўзгартирмаслиги лозим.

Тижорат банкларида одатда молиявий лизинг операциялари уч томонлама бўлганлигидан ҳар уччала томон учун ҳам қулай ҳисобланади. Биринчидан, лизинг олувчи ўз маблағларини бирданига тўлиқ сарфламасдан, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва шу билан бирга кейинчалик лизинг мулкига эга бўлиш имконига эга бўлади. Яна бир лизинг олувчи учун муҳим томонларидан бири - лизинг шarti асосида олинган жиҳозлардан фойдаланиш жараёнида олинган даромадлари ҳисобидан лизинг тўловларини шартномада келишилган муддатларда аста-секинлик билан тўлаб боради. Иккинчи томон-ишлаб чиқарувчи (сотувчи) да лизинг объектини сотиш мумкин бўлади. Натижада ишлаб чиқарувчида сотиладиган лизинг объекти (кўчмас мулклар, товарлар, ускуналар ва бошқалар) нинг савдоси тўхтаб қолмайди. Учинчи томон - тижорат банклари учун ресурсларидан самарали фойдаланиш имконияти яратилади. Яъни, ҳар уччала томоннинг ҳам манфаатлари лизинг муносабатларида уйғунлашади.

Молиявий лизинг шароитида лизинг объектини бухгалтерия балансида ҳисобга олиниши, солиқ мажбуриятлари ва молиявий ҳисоботларда қандай акс эттирилиши муҳим аҳамиятга эга.

Шунга кўра бугунги кунда халқаро миқёсда лизинг (молиявий ижара) қуйидаги умумий белгиларига қараб таснифланади:

Ўзбекистон Республикаси «Лизинг тўғрисидаги» қонунга кўра лизинг тушунчасига қуйидагича аниқ таъриф берилган: «Лизинг (молиявий ижара) ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради. Бунда лизинг шартномаси қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ бўлиши керак:

- лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса;

- лизинг шартномасининг муддати лизинг объекти хизмат муддатининг саксон фоизидан ортиқ бўлса ёки лизинг объектининг лизинг шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг йигирма фоизидан кам бўлса;

- лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг олувчи лизинг объектини унинг бозор қийматидан паст нархда эвазини тўлаб сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш кунидаги лизинг объекти қиймати асос бўлади;

- лизинг шартномаси амал қиладиган давр учун лизинг тўловларининг умумий сўммаси лизинг объекти қийматининг тўқсон фоизидан ортиқ бўлса.

Лизинг уч тарафлама (сотувчи - лизинг берувчи - лизинг олувчи) ёки икки тарафлама (лизинг берувчи - лизинг олувчи) лизинг шартномаси бўйича амалга оширилади.

Лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида икки тарафлама лизинг шартномаси тузилаётганида кўшимча равишда лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади»<sup>8</sup>. Башarti, лизинг шартномаси юқорида кўрсатилган талабларнинг ҳеч бўлмаса биттасига жавоб берган тақдирда, уни молиявий ижара - лизинг сифатида қабул қилиш ва

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси «Лизинг тўғрисида» ги Қонуни 14.04.1999 й. –Т.: 1999 й. -11 б.



улар лизинг шартномасини тузишда албатта инобатга олиниши лозим бўлади.

Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ лизинг амалиётларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Хусусан, 2013 йил натижалари бўйича республикадаги асосий капиталга қилинган инвестиция-лар ҳажми 5,5 трлн. сўмни (4.34 млрд. сўм) ташкил қилиб, 2012 йилга нисбатан 22,9 % ошган. Лизингнинг маҳаллий манбалар ҳисобига асосий капиталга қилинган инвестициялардаги улуши 2013 йилга нисбатан 4,2 % дан 3,9 5 га камайган бўлсада, лизингнинг мамлакат ЯИМ даги улуши 0,13 бандга ошиб, 0,76 % ни ташкил қилди<sup>9</sup> (1-жадвалга қаранг).

Ушбу жадвал маълумотлари ўтган 2013 йил якунлари бўйича лизингга берилган мол-мулклар ҳажми 2012 йилга нисбатан 62,1 млрд. сўмга (57,7 %) ортанлиги ҳам Ўзбекистонда лизинг бозорининг қисқа муддатларда тез ривожланиб бораётганлини кўрсатади. Шу йиллардаги Республикадаги лизинг битимлари портфели ижобий томонга шаклланган (2-жадвалга қаранг).

Умуман ҳукуратимиз томонидан лизинг бозорига қаратилган эътибор ва имтиёзларнинг берилиши ўтган 5 йил давомида, яъни 2009 йил (37,9 млрд. сўм) ва 2013 йиллар (169,7 млрд. сўм) оралиғида лизинг операциялари ҳажмини қарийб 4,5 мартага ошириб юборди. Булар лизингга берилган мулклар турлари бўйича фаолият турларига тақсимланган (3-жадвалга қаранг).

1-жадвал

### Лизинг ёрдамида асосий капиталга инвестиция қилиш

Йиллар.	2009	2010	2011	2012	2013
Лизингга берилган мол-мулклар қиймати, (млрд. сўм).	37,9	43,4	81,5	107,6	169,7
Лизингнинг асосий капиталга қилинган инвестициялардаги улуши, %.	2,67	2,37	3,72	4,22	3,91
Лизингнинг ЯИМ даги улуши, %.	0,37	0,36	0,60	0,63	0,76

2-жадвал

### Лизинг битимлари портфели

Йиллар.	2009	2010	2011	2012	2013
<b>Лизинг берувчилар сони</b>	21	23	28	33	42
<b>Йил давомидаги янги битимлар:</b>					
- сони	2817	2810	4078	5630	5107
- мулк қиймати, млрд. сўм	37,9	43,4	81,5	107,6	169,7
<b>Йил охирига лизинг портфели:</b>					
- амалдаги шартномалар сони	7022	8985	13068	17693	21012
- сўммаси, млрд. сўм	60,1	87,8	133,9	201,0	266,4
<b>Йил охирига муддати ўтган тўловли битимлар</b>					
- сони	170	36	279	м/й	524
- суммаси	1,3	2,0	2,0	м/й	2,5

<sup>9</sup> Лизинг в Центральной Азии и Азербайджане. - Тошкент, 2008. IFC, 131 с. – С 26.

## Лизингга берилган мулк турлари

Ускуна/мулк турлари	2010 йил		2011 йил		2012 йил		2013 йил	
	Бити м Сони	Қиймат и, млрд. сўм	Бити м Сони	Қиймат и, млрд. сўм	Бити м Сони	Қиймат и, млрд. сўм	Бити м Сони	Қиймат и, млрд. сўм
Енгил саноат учун	26	0,5	4	2,2	38	5,6	91	6,4
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарга	46	3,4	34	4,0	27	2,6	51	3,8
Полиграфия	5	0,9	9	3,3	30	3,6	22	1,0
Қурилиш ва қурилиш маҳсулотлари учун	16	1,2	62	10,6	49	5,9	117	17,8
Бошқа ишлаб чиқариш ускуналари	30	0,9	53	2,8	5	0,2	6	0,3
Савдо	22	0,03	125	0,2	10	0,6	3	0,05
Медицина	10	0,2	10	0,9	27	0,9	39	1,8
Компьютерлар, оргтехника	52	0,8	36	1,3	28	1,0	50	0,5
Қишлоқ хўжалик техникаси	2493	30,5	3422	46,1	5022	61,3	3815	61,1
Юк автотранспортлари	2	0,2	10	0,9	24	1,7	57	6,4
Йўловчи ташиш автотранспортлари	80	1,6	242	5,5	274	7,1	701	29,4
Кўчмас мулк, мулкый комплекслар	16	2,7	38	2,4	49	8,9	67	16,0
Бошқалар	12	0,4	33	1,3	47	8,2	88	25,1
<b>ЖАМИ:</b>	<b>2810</b>	<b>43,4</b>	<b>4078</b>	<b>81,5</b>	<b>530</b>	<b>107,6</b>	<b>5107</b>	<b>169,7</b>

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, ўтган йиллар давомида лизингга берилган мулклар ичида асосий ўринларни қишлоқ хўжалиги техникаси ва йўловчи ташиш транспорти эгаллайди. Бу эса ривожланиб бораётган республикамиз учун энг асосийлар бўлмиш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари учун лизингнинг ўрни нақадар беқиёслигина кўрсатади. Бундан ташқари лизинг давлатлар учун энг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан бўлмиш аҳоли бандлиги масаласини ечишда ҳам энг ишонарли ва сифатли курул бўлишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Лизинг берувчиларининг шу йиллар ичидаги лизинг бозоридаги улуши сезиларли салмоққа эга бўлган (4-жадвалга қаранг).

## Жами лизинг бозоридаги лизинг берувчиларнинг улуши

Йиллар.	2009	2010	2011	2012	2013
Лизинг компаниялари					

- мулклар қиймати, (млрд. сўм). - Улуши.	30,5 80,5 %	33,1 76,3%	59,3 72,7%	57,3 53,3%	85,1 50,1%
<b>Банклар</b> - мулклар қиймати, (млрд. сўм). - Улуши.	6,7 17,7 %	10,2 23,5%	19,2 23,6%	46,4 43,1%	80,2 47,3%
<b>Бошқалар</b> - мулклар қиймати, (млрд. сўм) - Улуши.	0,7 1,8 %	0,1 0,2%	3,0 3,7%	3,9 3,6%	4,4 2,6%
<b>ЖАМИ:</b>	<b>37,9</b>	<b>43,4</b>	<b>81,5</b>	<b>107,6</b>	<b>169,7</b>

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2013 йил якуни бўйича лизинг операциялари ҳажмининг ярмидан ортиғи (50,1%) лизинг компаниялари ҳиссасига тўғри келган. Лекин тижорат банклари томонидан бажарилаётган лизинг операциялари ҳажми ҳар йили муттасил ошиб бориб, шу йили жами лизинг операцияларининг 47,3% ини ташкил қилган, яъни 80,2 млрд. сўм миқдоридagi лизинг операциялари амалга оширилган. Бу кўрсаткич 2009 йилги (6,7 млрд. сўм) дан қарийб 12 марта кўпдир. Шундай бўлсада, лизинг операциялари таркибидаги муддати ўтган лизинг тўловлари бор-йўғи 0,4% ни ташкил қилган. Бу эса тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган лизинг операцияларининг кредит операцияларига нисбатан қанчалик ишончли эканлигини кўрсатади. Кўриниб турибдики, республика тижорат банклари мамлакатдаги иқтисодий ислохотларда мижозлар учун яна бир қўшимча хизмат тури - лизинг билан актив иштирок этиб келмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3122-сонли Фармони<sup>10</sup>нинг эълон қилиниши республикадаги барча лизинг берувчиларни, жумладан, тижорат банкларининг лизинг операцияларида иштирок этишини ҳам рағбатлантириб юборди ва уларнинг лизинг операциялари ҳажмининг сезиларли ошишига туртки бўлди. Чунки, Фармонда лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган эди. Фармон чиққанидан сўнг 2006 йилнинг ўзида тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳажми 2005 йил (1,7 млрд. сўм)га нисбатан деярли 4 мартага ортиб, 6,7 млрд. сўмни ташкил қилган<sup>11</sup>.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий лизинг муносабатларига микроиқтисодий ва макроиқтисодий жиҳатдан ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Умумий ҳолда лизингнинг аҳамияти лизинг иштирокчилари учун қуйидагиларда намоён бўлади:

Сотувчи ёки лизинг объектини ишлаб чиқарувчи товарларини олдиндан берилган буюртмалар асосида сотиш имкониятига эга бўлади ва унинг товарлари бозорининг чакқон бўлишига олиб келади. Шунинг билан бирга унинг доимий айланмаси (оборот) ни таъминлайди. Олдиндан берилган талаб (буюртма) лар асосида ишлаб чиқаришни аниқ режа асосида бошқариш имкониятлари яратилади.

Лизинг олувчи (лизинг объектидан фойдаланувчи) га ўз пул маблағларини тежашга ёрдам беради ёки унинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлайди. Бир йўла ортиқча маблағлар сарфламасдан, ишлаб чиқаришини давом эттиради, шу билан бирга асосий фондларини янгилаб олади. Ишлаб чиқариш объектидан самарали фойдаланишга мажбур қилади. Лизинг олувчининг ишлаб чиқариш қувватини оширади, асосийси, лизинг шарофати билан у кейинчалик шу мулк соҳибига айланади. Бундан ташқари, лизинг талаблари банкдан шу мақсадларда кредит олишга қараганда бирмунча енгил ва шу лизинг объекти кредит таъминоти сифатида қабул қилиниши мумкин.

Лизинг берувчи (лизинг компанияси ёки банклар) нинг даромадини оширади, фойда

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ 3122-сонли Фармони. –Т.: 2002 йил 28 август.

<sup>11</sup> Анализ рынка лизинга в Центральной Азии. – Тошкент, 2005. IFC, 128 с. - С 27.

олишни ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиради, даромад келтирувчи операциялари ва инвестициялари ҳажмини оширади, шунинг билан бирга лизинг тўловларининг мунтазамлиги улар учун мунтазам даромад манбаи бўлиб ҳисобланади.

Лизинг нафақат микроиқтисодий, балки макроиқтисодий жараёнларга, мамлакат ижтимоий-иқтисодий аҳолига ҳам таъсир қилмай қолмайди, албатта. Уни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- мамлакатда инвестиция қуйилмаларидан мақсадли фойдаланишни кафолатлайди;
- инвестиция сиёсатини фаол ва самарали ўтказилишини таъминлайди;
- анъанавий молиялашга қўшимча равишда маблағларни асосий фондларга қўйиш имконини беради;
- хусусий ва кичик тадбиркорликда фаолият юритаётган ишлаб чиқарувчиларнинг ривожланишини рағбатлантиради;
- қўшимча маъмурий органлар тузмаган ҳолда, фақат иқтисодий услублар воситасида ишлаб чиқаришни ривожлантиришни инвестициялайди;
- мамлакатда аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашади ва ҳоказо.

Шунингдек, халқаро лизинг муносабатларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш бутун иқтисодиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, лизинг бўйича импорт қилинган хорижий асосий воситалар қиймати мамлакат ташқи балансида акс эттирилмайди. Бу эса лизинг олувчи мамлакатнинг молиявий ҳолатини баҳолашда ижобий аҳамият касб этади. Халқаро лизинг орқали мамлакатга энг илғор технологияларнинг кириб келиши ривожланади.

Шундай қилиб, лизинг мамлакат иқтисодиётининг ўсишини таъминловчи муҳим бошқариш механизмларидан бири сифатида тан олинган. Айни пайтда лизинг ёрдамида мамлакатдаги энг асосий кўрсаткичлардан бири – ишсизлик ва ўтиш даврида вужудга келадиган муҳим ижтимоий масалаларни ижобий ҳал этиш имкони мавжуд.

## **1.2. Тижорат банкларида лизинг муносабатлари ҳисобининг ташкилий асослари**

Иқтисодиётнинг интеграциялашуви натижасида банк, кредит муассасалари ва корхоналар илгари иқтисодиётимизда қўлланилмаган кўпгина молиявий дастаклардан фойдалана бошладилар. Республикамизда биринчилардан бўлиб, лизинг хизматлари бозорида ишлай бошлаган «Барака» универсал лизинг компанияси ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг вакили сифатида нуфузли халқаро ташкилот - «LEASUROPE» лизинг компаниялари уюшмалари Европа Федерациясида мухбир аъзо бўлиб қатнашмоқда. Компания ташкил бўлганидан бор-йўғи 2001 йилга қадар жами 700 млн. сўм ва 2,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 70 га яқин лойиҳани молиялаган. Амалга оширилган лизинг лойиҳалари натижасида 400 тадан кўп иш жойлари яратилган<sup>12</sup>. Ушбу лизинг тузилмаларини шакллантиришда ривожланган чет эл тажрибаларидан самарали фойдаланилди. Чунки, ривожланган мамлакатларнинг тажрибасида лизинг компаниялари томонидан мавжуд асосий воситаларни техник қайта қуроллантириш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш борасидаги кўплаб ишлар амалга оширилган.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йиллариданок бунга иқтисодиёт ривожланишини таъминлай оладиган ва капиталдан самарали фойдаланишнинг бир воситаси сифатида алоҳида эътибор берди. Шу билан юқоридаги ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан самарали фойдаланиш ҳамда эндигина ривож топаётган лизинг хизматлари бозорининг тўлақонли амал қилишини ташкил этиш мақсадида лизинг фаолияти ва муносабатларига ихтисослашган меъёрий - ҳуқуқий асосларни шакллантириш зарурияти туғилди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг 587-моддасида лизинг шартномаси тўғрисида қуйидагича таъриф берилган: «Лизинг шартномаси бўйича лизинг

<sup>12</sup>Аҳмедов К. Лизинг операциясини тайёрлаш ва ўтказиш: тажриба ва муаммолар// «Бозор пул ва кредит» журнали. – Тошкент, 2001. -№ 9. –Б. 44.

берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади»<sup>13</sup>.

Бироқ, лизинг бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада мужассам-лаштириш ва мукамаллаштириш ҳамда у лизинг муносабатларининг барча жиҳатларини қамраб олиши лозимлигидан келиб чиқиб, лизинг фаолиятини янада такомиллаштириш, айниқса, тижорат банкларида лизинг операцияларини кенгайтириш керак, деган хулоса қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3122-сонли Фармони<sup>14</sup>нинг эълон қилиниши тижорат банкларининг лизинг бозорида самарали ва фойдали фаолият юритишлари учун бир қанча имкониятларни яратди. Ушбу Фармонга кўра энди лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган эди. Бу эса тижорат банклари томонидан лизинг операцияларини фаол амалга оширишларига янада аниқ ва кенг шарт-шароитлар яратиб, уларнинг лизинг хизматлари бозорида фаол иштирок этиши учун ҳуқуқий ва иқтисодий асосларни мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга турки бўлди.

ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиали ҳам айнан шу Фармондан кейингина ўзининг лизинг бозоридаги иштирокига алоҳида эътибор бера бошлади (5-жадвалга қараң).

5-жадвал<sup>15</sup>

**ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида кўрсатилган лизинг хизматлари ҳажми**

(млн. сўмда)

Йиллар	2008	2009	2010	2011	2012	2013
<b>Йил бошига қолдиқ</b>	<b>0</b>	<b>33</b>	<b>109</b>	<b>95</b>	<b>758</b>	<b>2142</b>
- йил давомида ажратилган	35	105	62	815	2546	7266
- йил давомида сўндирилган	2	29	76	152	1162	1927
<b>Йил охирига қолдиқ</b>	<b>33</b>	<b>109</b>	<b>95</b>	<b>758</b>	<b>2142</b>	<b>7481</b>
<b>Лизинг олувчилар бўйича</b>						
- жисмоний шахслар	0	0	15	23	282	0
- яқка тартибдаги тадбиркор	1	47	21	30	42	93
- давлат корхоналари	0	0	0	269	377	208
- қўшма корхоналар	0	0	0	0	561	531
- хусусий корхоналар	16	51	51	436	631	6266
- фермер хўжаликлари	16	11	8	0	249	384
<b>Лизинг объектлари бўйича</b>						
- Бино ва иншоатлар	0	10	9	127	569	3727
- автотранспорт воситалари	0	9	7	120	380	429
- кишлок хўжалик техникалари	16	3	13	162	371	510
- ускуна жиҳозлар	7	7	29	301	577	1638
- бошқалар	10	80	37	48	245	1177
<b>Ўртача фоиз ставкаси</b>	<b>27,1%</b>	<b>23,5%</b>	<b>21,4%</b>	<b>10,6%</b>	<b>14,2%</b>	<b>14,1%</b>

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003 й. 496 б. –Б 233.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ №3122-сонли Фармони. –Т.: 2002 йил 28 август

<sup>15</sup> 2008-2013 йилларда «Савдогарбанк» Бўка филиали нинг молиявий ҳисобот ва баланс маълумотлари шартли

<b>Қайта молиялаш ставкаси</b>	<b>30,0%</b>	<b>20,0%</b>	<b>20,0%</b>	<b>16,0%</b>	<b>14,0%</b>	<b>14,0%</b>
--------------------------------	--------------	--------------	--------------	--------------	--------------	--------------

5-жадвал маълумотларидан ҳам кўришиб турибдики, ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида лизинг операциялари юқоридаги Президент фармонидан кейингина амалга оширила бошлаган ҳамда 2008 йилга нисбатан 2013 йил якунларида амалга оширилган лизинг операциялари қолдиғи деярли 227 баробар ошган. Энг асосийси, ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида лизинг операциялари йилдан-йилга ўсиб бораётган бўлсада, шу кунгача улар бўйича ҳеч қандай муаммолар ёки муддати ўтган қарздорликлар келиб чиқмаган.

Ҳозирги кунда акциядорлик тижорат ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиали ўзининг лизинг амалиётлари ҳажми билан Республикамиздаги йирик лизинг берувчилардан ҳисобланади ва тижорат банклари ўртасида кўрсатилган лизинг хизматлари сони бўйича биринчи ўринни, лизинг ҳажми бўйича иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Хусусан, банкда лизинг олувчилар сонининг йилдан-йилга динамик тарзда ўсиб борган.

Амалдаги Низом<sup>16</sup> юқоридаги лизинг муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга қўшимча равишда республика тижорат банклари учун лизинг операцияларини амалга оширишнинг асосий йўналишларини белгилаб берадиган асосий қўлланмалардан бири ҳисобланган. Низомнинг 1.4-бандида тижорат банклари томонидан лизинг хизматларини кимларга кўрсатилиши мумкинлиги тўғрисида шундай дейилган: «Лизинг хизматлари юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган молиявий барқарор хўжалик юритувчи субъектларга, яқка тадбиркорлар (юридик шахсни ташкил қилмаган тадбиркорлар) ва жисмоний шахсларга лизинг мол-мулкни сотиб олиш учун банк томонидан инвестицияланган маблағларнинг тўланиши муддатлилиги таъминланганлиги ва қайтарилиши шартларида тақдим этилади». Бундан лизинг объектлари жисмоний шахсларга ҳам лизингга берилиши мумкинлигини кўриш мумкин, шунингдек, бундай таъриф ўз навбатида тижорат банкларининг лизинг операциялари ҳисобига ҳам таъсир кўрсатган.

Шундай экан, бизнинг фикримизча, лизинг объекти кейинчалик тадбиркорлик фаолияти мақсадида фойдаланишини кўзда тутилган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган ва ўрнатилган тартибда (Яқка тадбиркор сифатида) рўйхатдан ўтмаган жисмоний шахсларга лизинг хизматлари кўрсатилиши мумкин эмас. Бундан ташқари жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда яқка тадбиркорлик, шунингдек биргаликдаги оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат ва деҳқон хўжалиги шаклларида ҳам фаолият юритишлари мумкин.

Шулардан келиб чиқиб, юқоридаги қонун ҳужжатларида келтириб ўтилган моддаларга мувофиқ ҳамда лизингнинг моҳиятидан ҳам келиб чиқиб, Марказий банкнинг «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизингни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 1.4-бандидаги «яқка тадбиркорлар (юридик шахсни ташкил қилмаган тадбиркорлар) ва жисмоний шахсларга» сўзларини чиқариб ташлаш, ўрнига «ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига» сўзларини киритиш лозим.

2006 йил декабрга келиб Марказий банкнинг тижорат банкларида лизинг амалиётларини тартибга солувчи юқоридаги Низом янги тахрирда қабул қилинди ва у «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида» ги Низом деб номланди. Ушбу ҳужжатда лизинг объектларига аниқ таъриф берилиши билан бир қаторда Низомнинг 5-бандида «Лизинг операцияси лизинг объекти лизинг олувчи томонидан бевосита тадбиркорлик фаолиятини

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизингни ўтказиш тартиби тўғрисида» ги Низом. – Т.: 1999 йил 7 май

амалга ошириш мақсадида ишлатилиши кўзда тутилган ҳолларда кўрсатилади...» деб аниқ белгилаб қўйилди.

Фикримизча, ҳам тадбиркорлик субъекти (якка тартибдаги тадбиркор) сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган жисмоний шахсларга лизинг хизматлари кўрсатилиши мумкин эмас, албатта.

Айниқса, юқорида кўрсатиб ўтилган «Тижорат банклари лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомда лизинг объекти лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси шартлари бузилганлиги сабабли қайтариб олинганида, лизинг берувчи ушбу активнинг тақдирини ҳал этгунга қадар уни ўз балансига қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали қабул қилинишининг аниқ белгилаб қўйилганлиги тижорат банкларида лизинг объекти билан боғлиқ ҳисоб ишларини узил-кесил ҳал қилди, дейиш мумкин. Яъни; Дт 16705 «Банкнинг бошқа кўчмас мулклари», Кт 15600 «Лизинг (молиявий ижара) (мос ҳисобварақ).

Тижорат банкларида амалга оширилаётган лизинг операциялари ҳисобидаги бу каби такомиллашувлар билан нафақат лизинг операциялари ёки улардан олинаётган даромад ҳамда тўланадиган солиқ базаси ҳисобини юритиш бирмунча ойдинлаштирилди, балки улар тижорат банкларининг бошқа молиявий ҳисоботларининг ҳам аниқ ва ойдин бўлишига ижобий таъсир кўрсатди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилик ҳужжатлари билан идоровий меъёрий ҳужжатлар ўртасидаги мутаносиблик тижорат банклари томонидан бажариладиган лизинг операциялари ҳисобининг мувофиқлигига, тижорат банклари маблағларидан тўғри фойдаланишга, мамлакатнинг Иқтисодиётни модернизациялаш га ўтиши жараёнида тадбиркорлик субъектларини янада рағбатлантириш ва шу йўл билан ишлаб чиқариш кўламининг кенгайишига олиб келади.

### **1.3. Тижорат банкларида лизинг операциялари аудитининг назарий ва услубий асослари**

Иқтисодиётни модернизациялашуви шароитида Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг долзарб масаласи бўлган тадбиркорлик фаолиятининг шакли сифатида лизинг операциялари алоҳида аҳамият касб этади. Лизинг хизматларининг ўзига хослиги шундаки, уларнинг хўжалик амалиётида қўлланилиши ишни янги бошловчи тадбиркорларга, ҳатто бошланғич сармоя чекланган шароитда ҳам ўз ишини ташкил этиш ёки сезиларли даражада кенгайтириш имконини беради.

Иқтисодиётни модернизациялашуви шароитида Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини тез суръатлар билан ривожлантириш, бир томондан замонавий ускуна ва технологияларни қўллашни, иккинчи томондан эса молиявий ресурсларни излаб топишни талаб этади. Замонавий янги техника, ускуна ва технологиялар ишлаб чиқарувчилар, молиявий ресурсга эга бўлган ва бу маблағларни самарали жойлаштириш мақсадларида фаолият юритувчилар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти сохиблари ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишда лизинг жуда қўл келади.

Тижорат банклари фаолиятини аудиторлик текширувида муҳим масалалардан бири лизинг операцияларини текшириш масаласи ҳисобланади. Ушбу масалада қуйидагича фикр билдирилган: «Қонунчилик томонидан ўрнатилган талабларнинг амалга оширилиши хўжалик юритувчи субъектлар учун ягона талаблар ва стандартлар асосида аудиторлик хизмати кўрсатилишини таъминлайди, бу эса ўз навбатида рақобатчилик муҳитининг ривожланишига, хизматлар сифати ва аудитга бўлган ишончнинг ошишига олиб келади ҳамда миллий аудит тизимини халқаро даражага олиб чиқилишига кўмаклашади»<sup>17</sup>.

Ташқи аудит жараёнида инвентаризация натижаларига ҳам алоҳида эътибор

<sup>17</sup> Х.Қосимов Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини ривожлантиришнинг янги босқичи.// Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. –Т.: 2008. №10, 28 б. –Б 26-28.

берилиши керак. Бунда инвентаризация натижаларининг акс эттирилишига алоҳида эътибор берилиши лозим. Чунки, товар-моддий қийматликларини сақланиши, бутлиги ва уларни назорати инвентаризация комиссияси томонидан текширилиб, натижаларга эътибор қилиш талаб қилинади. Инвентаризация натижаларини тасдиқлаш жараёни учун қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

–инвентаризация натижаларини расмий белгилари ва аҳамияти бўйича расмийлаштиришда ҳужжатларни таҳлили;

–бухгалтерия ҳисоби счётларини тегишли регистрлар бўйича ҳисоб қолдиғи ва инвентаризация материаллари бўйича ҳақиқий қолдиқни назорати;

–ҳисоб-китоблар ва натижаларни арифметик текшириш;

–инвентаризация натижалари бўйича қабул қилинган қарорларни таҳлили;

–инвентаризация натижалари бўйича аниқланган ошқоча чиққанларни қабул қилинишини ҳисобга олиш ва йўқотишлар ва камомадларни ўз вақтида ва тўлиқ қопланишини кўриб чиқиш;

–ўзаро молиявий мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни текшириш натижаларини таҳлил қилиш ва текшириш натижасида аниқланган турли хилликни тартибга солишни таҳлили;

–молиявий мажбуриятларни ҳажмини тасдиқлаш учун турли хил контрагентлардан аудитор сўрови;

–назорат текширувида аудиторнинг қатнашиши<sup>18</sup>.

Лизинг битимлари бўйича фоиз ставкаларининг катталиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасига боғлиқ бўлиб, лизинг битимлари қайси валютада амалга оширилаётганлигига қараб ўзгаради<sup>19</sup>. Асосий воситаларни ташкилот мулкига қабул қилишни бухгалтерия ҳисоби ва бухгалтерия ҳисоботи тўғрилигини текширишда аудитор томонидан қуйидаги аудиторлик амаллари қилиниши лозим:

–мулкларнинг асосий воситалар таркибига киритилишини тўғрилигини норматив текшириш;

–асосий воситалар туркумланишининг тўғрилигини норматив текшириш;

–асосий воситалар қабул қилинишини дастлабки ҳисоб ҳужжатларида тўғри акс эттирилишини норматив текшириш;

–дастлабки ҳисоб ҳужжатларини синтаксис (формал) текшириш;

–бухгалтерия ҳисоби счётларида асосий воситаларни қабул қилинишининг тўғрилигини норматив текшириш;

–бухгалтерия ҳисоби регистрларида асосий воситаларни қабул қилинишининг тўғри акс эттирилганлигини норматив текшириш;

–бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва дастлабки ҳисоб ҳужжатларида асосий воситалар тўғри қабул қилинганлигини арифметик ва ўзаро учрашиб (встречная) текшириш<sup>20</sup>.

Ҳар қандай танлаб текшириш қуйидагиларни ўз ичига олади: - танлаш кўлами; - кузатиш бирлиги; - танлаш бирлиги; - танлаш услублари; - сайлаб олиш ҳажми; - салмоқли (репрезентатив); - танланган маълумотларни текшириладиган тўпламга тадбиқ қилиш.

Текшириладиган тўплам – бу маълум элементлар йиғиндисиدير. Аудитда бухгалтерия ёзувлари (проводкалар), элементлар, ёзувлар тўплам элементлари сифатида тан олиниб, ушбу танлаш улар ҳақида маълумот бериши лозим<sup>21</sup>.

<sup>18</sup> Суворова С.П., Куканова Н.В. Аудит системных вопросов: методика проведения.// Аудиторские ведомости. №10. 2011. 10-16 с. –С 16.

<sup>19</sup> Сатритдинова А. Лизинг бозори: натижалар ва истикбол//Бозор, пул ва кредит, №5, 2008. 16-20 б. –Б 19.

<sup>20</sup> МакароваЛ.Г. Проектный подход в разработке методики аудиторской деятельности.// Аудиторские ведомости. № 5, 2010. 3-10 с. -8-9.

<sup>21</sup> Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. –Т.: «Молия», 2007. 276 б. –Б 94.



Аудиторлик текширишини ўтказишда қуйидаги мезонлар бўйича текширишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди: - бухгалтерия маълумотларининг тўлиқлиги; - молиявий ҳисоб маълумотларининг ҳақиқийлиги; - баҳолаш; - солиқлар ва солиққа тортиш; - ҳуқуқ ва мажбуриятлар<sup>22</sup>.

Бизнинг фикримизча, аудитор текшируви методикасини яратишда аудит ишининг давомийлиги омили муҳим аҳамият касб этади. Аудит ишининг давомийлигини уч босқичга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан: 1-босқич-танишув, бунда аудитор текширувни мавжуд ҳужжатлар амаллари билан танишишдан бошлайди. Танишиш жараёнида аудитор ўз олдига қўйган мақсаднинг асосий унсурлари билан танишади, бу эса аудитнинг мақсадини кейинги босқичда амалга ошириши ёки ошириб бўлмаслигини башорат қилиши мумкин.

2-босқичда аудитор ҳужжатлар билан танишишдан ташқари, қўзланган аудит мақсадидан келиб чиқиб, ўзига керакли мавжуд ҳужжатларни таҳлил этади. Таҳлил натижаларини бир тизимда жамлаб, якуний хулоса беради.

3-босқичда аудитор барча таҳлил ҳужжатлари асосида хулоса ёзиб, хато ва камчиликлар ҳақида ўз фикрини билдиради ҳамда ўздан юқори лавозимдаги раҳбарга тақдим этади<sup>23</sup>.

Лизинг операцияларида молиявий ижарага берилган активларни тан олинishi муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу масалада халқаро молиявий ҳисобот стандартларида қуйидагича белгиланган: «Молиявий ижара берилган активларни ижарачи томонидан тан олинishi, бухгалтерия балансида кўрсатиш ва уни дебитор қарз сифатида ижарага олинган соф инвестицияларга тенг сўммада акс эттириш тушунилади<sup>24</sup>.

Демак, молиявий ижарага олинган мулкларни ижарачи томонидан қандай баҳода тан олинishi ва уни тегиши хўжалик субъектининг бухгалтерия ҳисоби счёти 0300 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ҳисоби» счётида акс эттирилиши лозим. Ушбу фикрни янада ривожлантириб, иқтисодчи олим Палий В.Ф. томонидан қуйидагича изоҳланади: «Стандарт талабига кўра ижарачи ўзининг бухгалтерия балансида актив сифатида, мажбурият сифатида молиявий ижарани акс эттириши лозим»<sup>25</sup>.

Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги қонуннинг 4-моддасида алоҳида банк операцияси сифатида молиявий лизинг кўрсатилган<sup>26</sup>. Лизинг операцияларида тижорат банкларининг қатнашиши бир қанча факторларга боғлиқ. Фикримизча, қуйидагиларни киритиш мумкин:

– иқтисодий жиҳатдан лизингни молиявий операциялар шакли сифатида қараш мумкин;

– лизинг капитал қуйилмаларни амалга ошириш усулидан бири.

Лизинг тижорат банклари учун бир қатор муҳим афзалликлар ҳам келтира бошлади, жумладан:

– банк операциялари ҳажми кенгайди;

– лизинг операциялари кўрсатилиши билан бирга, у билан боғлиқ хизматлар ҳажми мунтазам ошиб боради, шунингдек, тижорат банклари миқдорлари доираси кенгайди;

– ўз ишлаб чиқариш фондини кенгайтириш ёки янгилашни хоҳловчи миқдорлар билан сифат жиҳатидан янгича шериклик муносабатлари пайдо бўлади;

– лизинг операциясида тижорат банклари нисбатан аниқ таъминотга эга бўлади;

<sup>22</sup> Қурбанов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг методологик муаммолари. –Т.: «Fan va texnologiya», 2008, 156 б. –Б 96.

<sup>23</sup> Эрматов М.К. Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2005. 144 б.

<sup>24</sup> Международные стандарты финансовой отчётности. –М.: «Аскери», 2010. 458 с.

<sup>25</sup> Палий В.Ф. Международные стандарты финансовой отчётности. –М.: «ИНФРА-М», 2009. 456 с. –С145.

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Қонуни./Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003. 432 б. –Б 31.

–лизинг хизматини кўрсатиш билан бирга, тижорат банкининг доимий даромад келтирувчи, аниқ таъминотга эга бўлган инвестиция фаолияти амалга ошади ва ҳоказо.

Тижорат банкларининг лизинг бизнесига кириб келишининг биринчи сабаби шундан иборатки, лизинг нисбатан катта ҳажмдаги капитал талаб қиладиган бизнес тури ҳисобланади. Тижорат банклари эса бундай капитал ёки пул ресурслари энг кўп бўлган асосий вакилдирлар. Иккинчидан, лизинг хизматлари ўз иқтисодий табиати жиҳатидан банк кредитлашига жуда яқин.

Лизинг операциялари бўйича бизнес-режа тайёрлаш ва унинг мониторинги кредитлаш амалиётларига қараганда анча қулай, чунки, лизингда бизнес объекти ва ундан фойдаланиш аниқ бир жараёнга боғлиқдир. Лизинг бўйича банк маблағларининг мақсадга мувофиқ ишлатилиши тўла таъминланади. Шунингдек, банкларда лизинг объектини кредит таъминоти сифатида қабул қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги банкларга ушбу амалиётлар бўйича бирқанча қулайликлар туғдиради, яъни, лизинг банклар учун энг ишончли таъминотга эга операциялар қаторига киради.

Тижорат банкларида лизингга бериладиган объектлар тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкӣ комплекслар, бинолар, иншоотлар, усқуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк (ер участкалари ва бошқа табиий объектлар, шунингдек муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулклар бундан мустасно) лизинг объектлари ҳисобланади. Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга оширишда фақат лизинг шартномаси муддати тугагандан кейин лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига ўтиши шартлари бажарилган шароитда амалга оширилади. Лизинг берувчи банкларда лизингга берилган активлар ҳисоби 15600–«Лизинг (молиявий лизинг)» номли ҳисобварақлар туркумида юритилади.

Шундай қилиб, бизнеснинг самарали бўлишида лизинг муносабатларининг хусусиятларини ҳисобга олиш, шу жумладан лизинг асосида хусусий капиталга эгалик қилиш имконининг бўлиши, ўзга мулкдан самарали фойдаланиш ва ошиқча маблағ сарфламаслик, лизинг муддати тугаганда, унга эгалик қилиш ҳуқуқини пайдо бўлиши кабиларнинг ҳисобга олиниши лизинг муносабатларини тўғри ташкил этиш имконини беради.

Тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган мол-мулк, ашё бўлиши шарт. Фикримизча, ушбу шарт лизингнинг оддий ижарадан фарқлантирувчи асосий жиҳатларидан биридир, демак лизингдан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишгина кўзда туғилади. Шундай экан, бизнинг фикримизча лизинг объекти кейинчалик тадбиркорлик фаолияти мақсадида фойдаланишини кўзда тутган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган ва ўрнатилган тартибда (якка тадбиркор сифатида) рўйхатдан ўтмаган жисмоний шахсларга лизинг хизматлари кўрсатилиши мумкин эмас. Шу сабабли, ушбу масала бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилиши лозим, деб ўйлаймиз.

## **2-Боб. ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида лизинг операциялари ҳисоби амалиёти ва уни такомиллаштириш йўллари**

### **2.1. ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш**

Бугунги кунда лизинг операцияларини ташкил этиш ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш лозим. Лизингни ҳисобга олишда халқаро амалиётда 2 та концепциядан фойдаланилади: - мулкдорларнинг юридик ҳуқуқи; - мулкдорларнинг иқтисодий ҳуқуқи.

Биринчи концепцияда мулкдорлик ҳуқуқи лизинг олувчига ўтмагунча ушбу активни бухгалтерия балансида ҳисобга олмаслиги ва капиталлаштирилмаслиги лозим. Демак, ижарадаги воситалар лизинг берувчининг балансида акс эттирилади.

Иккинчи концепцияда ижара молиявий ва тезкор турларга бўлинади. Молиявий лизингда мулкдорлик иқтисодий ҳуқуқи лизинг олувчига ўтади, тезкор лизингда лизинг берувчида қолади<sup>27</sup>. Халқаро амалиётда лизинг (молиявий ижара) жараёнлари ҳамда улар ҳисоби ва ҳисоботида молиявий ҳисоботларнинг асосан қуйидаги учта халқаро стандарти таъсир кўрсатади: 1 - сонли «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш»; 16 -сонли «Асосий воситалар»; 17 -сонли- «Ижара».

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда лизинг (молиявий ижара) жараёнлари ҳамда улар ҳисоби ва ҳисоботида яна қуйидаги 3 та Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари таъсир қилади: 1-сонли «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»; 5-сонли «Асосий воситалар»; 6- сонли «Ижара ҳисоби». Лекин дунёдаги бирон-бир мамлакатда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарт-ларига тўлиқ амал қилинмайди, балки улар ҳисоб юриштишнинг умумлаштирилган ва бир шаклга келтирилган тартиб ва қоидалар тўплами, деб ҳисоб-ланади<sup>28</sup>.

Бу фикрни биз ҳам қўллаб-қувватлаган ҳолда, Ўзбекистонда ҳисоб тизими ва молиявий ҳисоботлар тартибини халқаро стандартларга ўтказишни аста-секинлик билан миллий стандартларни жорий этиш орқали амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Халқаро стандартлардан фойдаланиш, аввало, давлатнинг бошқа бир тизим, ундаги бошқа бир ҳисоб ва ҳисоботлар тизимидан Иқтисодиётни модернизациялаш устувор бўлган ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитидаги давлатда шаклландиган ва шаклланиб борадиган бухгалтерия ахборотларини таққослаш имконини берувчи бухгалтерия ҳисоби концепцияларини ишлаб чиқишида намоён бўлади.

6-сонли «Ижара ҳисоби» номли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти<sup>29</sup>нинг 3-бандига асосан Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари нуктаи назаридан ижара 3 га; лизинг (молиявий ижара); узоқ муддатли ижара; қисқа муддатли ижарага бўлинган.

Стандартга мувофиқ лизинг (молиявий ижара) ижара муносабат-ларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчида) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ун икки ойдан ортиқ муддатга беради.

Бунда лизинг шартномаси қуйидаги шартлардан бирига жавоб бериши керак:

– лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса;

– лизинг шартномасининг муддати лизинг объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки лизинг объектининг лизинг шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлса;

<sup>27</sup> Международные стандарты финансовой отчетности. –М.: «Асқари», 2009. 832-837 с.

<sup>28</sup> Ковалёв В.В. Финансовый анализ: Управление капиталом. Выбор инвестиции. Анализ отчетности. – Москва, «Финансы и статистика», 2010. –С. 386-387.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. –Т.: ЎБАМА, 2007.

–лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг олувчи лизинг объектини унинг бозор қийматидан паст нархда эвазани тўлаб сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш кундаги лизинг объекти қиймати асос бўлади;

–лизинг шартномаси амал қиладиган давр учун лизинг тўловларининг умумий сўммаси лизинг объекти қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлса.

Узоқ муддатли ижара эса ижарага берувчи ижарачига ҳақ эвазига мол-мулкни 12 ойдан кўп муддатга эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини берадиган келишув, деб таърифланади. Ўз навбатида қисқа муддатли ижара ижарага берувчи ижарачига ҳақ эвазига мол-мулкни 12 ойдан кам муддатга эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини берадиган келишув, деб кўрсатилади.

Кўриниб турибдики, лизинг (молиявий ижара) нинг оддий ижарадан фарқи, аввало, унинг муддатларида бўлса, шунингдек, таърифда кўрсатил-ганидек, лизингда учинчи тарафнинг иштирок этишидир. Шунинг билан бирга, лизинг шартномасида юқоридаги шартлардан, албатта бирининг мавжуд бўлиши лизингнинг ижарадан фарқлантириб турувчи белгиси ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, лизингга берилган бу таъриф Ўзбекистон Республи-касининг 1999 йил 14 апрелдаги «Лизинг тўғрисида» ги Қонунига тўла мос келади. Агарда, юқорида кўрсатиб ўтилган талаблардан бирортаси лизинг шартномасида кўзда тутилмаган бўлса, бундай лизинг тезкор (оператив) лизинг ҳисобланади.

Стандартда молиявий ва тезкор лизингни таснифлаш қанчалик даражада лизингга олинган активлар бўйича рискнинг ёки муқофотлашнинг лизинг олувчиларга ёки лизинг берувчиларга тегишли эканлигига ҳам асосланган. Яъни, лизингга олинган активларга эгалик қилиш билан боғлиқ риск ва муқофотлашнинг асосий қисми лизинг олувчига ўтса, бундай лизинг молиявий лизинг, деб таснифланади. Лизингга олинган активларнинг эгаллиги билан боғлиқ рисклар ва муқофотлашнинг асосий қисми лизинг олувчига ўтмаса, балки лизинг берувчида қолса, ушбу лизинг тезкор лизинг, деб тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида» ги Қонуни ва 6-сонли «Ижара ҳисоби» номли Бухгалтерия ҳисбининг миллий стандарти лизинг муомаласида молиявий лизинг предметини лизинг олувчининг балансида, оператив лизинг предметини лизинг берувчининг балансида ҳисобга олинишини инобатга олишга мажбур этади. Демак, молиявий лизингда лизинг объекти лизинг олувчининг балансида ҳисобга олинади ҳамда лизинг олувчи:

- лизинг объектини лизинг шартномаси кучга кирган пайтдаги жорий баҳосига тенг ҳолда ёки амалдаги энг кам лизинг тўловидан камроқ бўлса, ана шу миқдорда кирим қиладди;

- лизинг мулкига амортизация ҳисоблайди.

Лизингга олинган асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш сиёсати ҳам ўз асосий воситаларига амортизация ҳисоблаш сиёсати билан тўғри келиши керак. Лизинг шартномаси муддати тугагач, активга эгалик қилиш ҳуқуқини олиш бўйича лизинг олувчида тўлиқ ишонч бўлиши керак. Бу ерда албатта, лизинг шартномаси шартлари иккала - лизинг берувчи ва лизинг олувчи томонидан ҳам тўлиқ бажарилиши шарт. Шундагина лизинг объектига эгалик қилиш ҳуқуқи шартнома муддати тугагач лизинг олувчига ўтади.

Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банкларида лизингга берилган активларни ҳисобга олиш учун 15600- «Лизинг (молиявий ижара)» ҳисобварақлар туркумидан фойдаланилади. Лизинг шартномаси амал қилиш муддати бошланиши билан лизингнинг дастлабки тан олиниши амалга оширилади. Бунда лизингга берувчи банк ўзининг балансида лизинг объектини актив сифатида тан олади ҳамда тақдим этилган лизингни соф инвестиция қиймати бўйича ҳисобга олади, яъни жами харажатлар, шу жумладан лизинг объектини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар, лизингга олувчига уни етказиб бериш ва фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш ёки унинг ҳаққоний қиймати бўйича

қайси бири кам бўлса, шу қиймати бўйича ҳисобга олади.

Банклар асосан мижозлар учун лизинг берувчилар бўлиб иштирок этганда, бухгалтерия ҳисоби ёзувлари қуйидагича акс этирилади: Банк тузилган лизинг шартномасига асосан, лизинг объектини харид этиш учун унинг тўлиқ ёки 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги тўловини олдиндан ўтказиб берганда: Дт 19909– Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар, Кт Лизинг объектини етказиб берувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи.

Шартномага мувофиқ лизинг берувчи банк лизинг объектини лизинг олувчига тўлиқ тўлиқ етказиб берганда; Дт 156xx – Лизинг (Молиявий ижара), К 19909–Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар.

Лизинг етказиб берувчига лизинг объектининг тўлиқ қиймати тўлаб берилмасдан, лизинг объекти лизинг олувчи томонидан қабул қилинганда, лизинг объекти суммасига; Дт 156xx – Лизинг (Молиявий ижара), Кт 19909–Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар, Кт 29802-Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар.

Кейинчалик банк лизинг етказиб берувчига қолган суммани тўлиқ ўтказиб берганда; Дт 29802–Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар, Кт Лизинг объектини етказиб берувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи.

Лизинг шартномасида лизинг объектини етказиб бериш, ўрнатиш ва бошқа харажатлар, шунингдек, суғурта тўлови лизинг берувчи банк томонидан амалга оширилса, ушбу харажатлар лизинг объектининг баланс қийматига олиб борилади ва қуйидагича бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади;

1. Дт 19907 – Хизматлар учун олдиндан тўланган маблағлар, Кт Тегишли хизмат кўрсатувчилар ёки суғурта компаниясининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи.

2. Дт 156xx – Лизинг (Молиявий ижара), Кт 19907- Хизматлар учун олдиндан тўланган маблағлар.

Лизинг учун лизинг тўловлари лизинг олувчи томонидан лизинг шартномасида белгиланган муддатларда ва тузилган график бўйича тўланади. Ушбу лизинг тўловларига лизинг объектининг амортизация ажратмаси, ҳисобланган фоиз суммаси, воситачилик ҳақлари, суғурта тўловлари ва кўрсатилган бошқа хизматлар бўйича тўланган ҳақлар қиради.

Банклар томонидан лизинг учун белгиланган фоизлар компьютер дастури орқали ҳар кун ҳисоблаб борилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали балансда акс этирилади: Дт 16323–Лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар (молиявий ижара), Кт 451xx–Лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар.

Фоизлар лизинг олувчи томонидан сўндирилганда ёки тўланганда: Дт Лизинг олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи, Кт 16323-Лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар (молиявий ижара).

Лизинг объекти бўйича ҳисобланган амортизация ажратмалари ёки асосий қарздорлик лизинг олувчи томонидан тўлаб берилганда; Дт Лизинг олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи, Кт 156xx – Лизинг (Молиявий ижара). Бу билан мижознинг банк олдидаги лизинг бўйича қарздорлиги камайтиради.

Шунингдек, банклар лизинг олувчилар бўлиб ҳам иштирок этишлари мумкин. Бунда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади: Банк лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиб олганда: Дт 16515–Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи, Кт 221xx – Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар.

Банкларда мижозларга кўрсатилган кредит ва бошқа операциялар каби жалб қилинган маблағлар учун ҳам фоизлар компьютер дастури орқали кунлик ҳисобланади ва балансда акс этирилади. Бунда: Дт 54xx – Лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли харажатлар, Кт 22408–Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар.

Ҳисобланган фоизлар тўлаб берилганда: Дт 22408 – Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар, Кт Лизинг берувчининг талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи.

Лизинг объектига ҳисобланган амортизация ажратмаси ёки асосий қарз тўлаб берилганда: Дт 221хх – Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар, Кт Лизинг берувчининг талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи. Бу билан банкнинг лизинг берувчилар олдидаги лизинг бўйича қарздорликлари камайтиради. Лекин фикримизча, тижорат банклари лизинг операцияларида лизинг олувчилар бўлиб иштирок этганда, лизинг объектларини ҳисобга олишда ҳам айрим камчиликлар мавжуд. Яъни, тижорат банки лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиб олганда, у тижорат банкларининг ҳисобварақлар режасига мувофиқ банк балансининг 16515-«Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи» номли ҳисобвараққа кирим қилинади. Шунинг билан бирга лизинг объектини тиклаш ва такомиллаштириш билан боғлиқ харажатлар ва қайта баҳолашлар қиймати ҳам шу ҳисобварақда ҳисобга олинади. Уларни эскириш суммаси эса 16519 - «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш сўммаси (контр-актив)» номли ҳисобварақда йиғилади.

Президентимизнинг 2002 йил 28 августдаги Фармони<sup>30</sup>га асосан 2002 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб лизинг оладиган хўжалик юритувчи субъектлар лизингга берилган мулкка солиқ тўлашдан лизинг шартномаси амал қиладиган муддатгача озод қилинадилар. Лекин лизинг олувчилар томонидан лизинг шартномаси муддати амал қилинганга қадар ушбу лизинг объекти бўйича қўшимча (тиклаш, такомиллаштириш ва қайта баҳолаш) харажатлар ҳам қилиниши мумкин. Ўз навбатида бу харажатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1434-сонли Низоми<sup>31</sup>га кўра лизинг объекти қийматига кирим қилинади. Бу эса лизинг объекти қийматини ошириб, мулк солиғини тўлаш юзасидан англашилмовчиликларни келтириб чиқаради.

Шуларни ҳисобга олиб, 16515-«Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи» номли ҳисобварақни «Объектларни ижарага олиш ҳуқуқи» ва «Ижарага олинган объектларни такомиллаштириш ҳуқуқи» номли алоҳида ҳисобварақларга ажратиш, шунингдек, «Объектларни ижарага олиш ҳуқуқи» номли ҳисобварақнинг дебет қолдиғидаги лизингга олинган асосий воситалар қийматини мулк солиғи тўлаш базасидан лизинг шартномаси амал қиладиган муддатгача чиқариб ташлаш лозим.

Булардан ташқари ушбу Низомда лизинг берувчида лизинг объектини лизингга бериш, келиб тушадиган лизинг тўловлари, шунингдек, лизинг олувчида лизинг объектидан фойдаланиш, тўловларни ҳисоблаш ва тўлаб бериш, лизинг объектини яхшилаш бўйича қилинган харажатлар ҳисоби, қайта баҳолаш ва уларга эскиришлар ҳисоблаш, лизинг объектининг тўлиқ лизинг олувчи мулкига ўтиши ёки лизинг берувчига қайтарилиши ва шунга ўхшаш бошқа лизингга оид бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича аниқ тартиб-қоидалар белгилаб берилган.

Бугунги кунда бутун дунёда ҳар бир давлатнинг ўзида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига асосланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқилган ва асосан шулар бўйича ҳисоб ва ҳисоботлар олиб борилаётган бўлсада, яқин келажакда дунёдаги кўпгина мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ҳисоботлардан фойдаланадиган ҳар қандай, жумладан, чет эллик фойдаланувчиларнинг ҳам талабларини қаноатлантирадиган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш мақсадида бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини қўллашга ўтилиши мумкин. Бу эса бутун дунёда бухгалтерия ва молиявий ҳисобнинг ҳар қандай

<sup>30</sup> ЎзР Президентининг «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чоратadbирлари тўғрисида» ги Фармони. –Т.: 2002 йил 28 август

<sup>31</sup> ЎзР МБнинг «Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 1434-сонли Низоми. –Т.: 2010

фойдаланувчилари учун бирхиллашишига, тушунарли бўлишига олиб келади ва бир қанча қулайлик келтириб чиқаради. Жумладан, лизингни ҳисобга олиш ҳам бирхиллашади ва фикримизча, бу ҳисобга олишнинг «иқтисодий» ёндашувидан иборат бўлиши мумкин.

## **2.2. Хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш тизимида банкларнинг лизинг муносабатлари ҳисоби маълумотлари**

Бугунги кунга келиб Республика тижорат банклари томонидан кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, шунингдек, мамлакатнинг инвестицион фаолиятини кенгайтириш мақсадида, имтиёзли шартлар асосида ажратилаётган молиявий маблағлар таркибида лизингнинг улуши кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, банкларда лизинг ва лизинг операциялари ҳисобини тўғри юритиш ва молиявий ҳисоботларда уларни тўғри акс эттирилишини таъминлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида лизинг ҳисоби тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар Режаси»<sup>32</sup> га мувофиқ олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ҳисобварақлар режаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», «Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари талабларига мувофиқ ҳамда Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил этишнинг ягона методологик асосларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ҳисобварақлар режаси-нинг лизинг ва лизинг ҳисоби бўйича олдингисидан асосий ва энг муҳим фарқли жиҳати шундаки, янги таҳрирга кўра, тижорат банклари баланснинг 1 - «Активлар» ва 2 - «Мажбуриятлар» қисмларида лизингга оид алоҳида ҳисобварақлар туркуми очилиб, улар - 15600 - «Лизинг (Молиявий ижара)» ва 22100 - «Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар» деб номланди.

Тижорат банклари бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасининг олдинги 1999 йил 13 ноябрдаги эски таҳририда лизинг операциялари учун бу каби алоҳида ҳисобварақлар туркуми, ҳатто биронта алоҳида ҳисобварақнинг ўзи йўқ эди. Балки, олдинги ҳисобварақлар режасида бажариладиган лизинг операциялари муддатига қараб, тегишли кредит ҳисобварақларидан бажарилиб, лизинг операцияларининг ҳисоби берилган кредитлар билан бирга олиб борилар ва тижорат банки балансида лизинг операцияларининг алоҳида ҳисоби олиб борилмас, улар берилган кредитлар билан бирга олиб борилар эди.

Ҳисобварақлар режасининг янги таҳририда лизинг операциялари ҳисоби кредит операциялари ҳисобидан алоҳида ажратилиб, уларга алоҳида ҳисобварақлар туркуми очилди ва уларнинг ҳисоби янада ойдинлаштирилди, шунингдек, лизинг операциялари ва улардан олинадиган даромадлар, хусусан, фоиз тўловлари бўйича берилган имтиёзларни ҳисоб-китоб қилишда бирқанча қулайликлар келтирди. Янги таҳрирдаги ҳисобварақлар режасида қуйидаги ҳисобварақлар лизингга бағишланган:

- 15601-«Бошқа банкларга берилган лизинг»
- 15603-«Жисмоний шахсларга берилган лизинг»
- 15605-«Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган лизинг»
- 15607-«Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган лизинг»
- 15609-«Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган лизинг»
- 15611-«Нодавлат нотижорат ташкилотларга берилган лизинг»
- 15613-«Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган лизинг»
- 15615-«Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган лизинг»

<sup>32</sup> 2009 йил 13 августда янги таҳрирда қабул қилинган 290-сонли «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар Режаси».

15617-«Муддати ўтган лизинг»  
15619-«Шартлари қайта кўриб чиқилган лизинг»  
15699-«Лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси (контр-актив).

16323-«Лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар (молиявий ижара)».

22102-«Бошқа банклар олдидаги лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар»

22104-«Бошқа лизинг берувчилар олдидаги лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар».

22408-«Тўлашга доир ҳисобланган фоизлар-Лизинг (Молиявий ижара).

Шунингдек, олдинги ҳисобварақлар режасидаги 15700-«Суд жараёни-даги кредитлар» ҳисобварақлар туркуми «Суд жараёнидаги кредитлар ва лизинг» деб номланиб, ушбу ҳисобварақлар туркумида ҳам лизинг учун алоҳида ҳисобварақ очилди ва у 15705-«Суд жараёнидаги лизинг» деб номланди. Шунингдек, 16701-«Кредит бўйича гаров ҳисобидан ундирилган мулк» ҳисобварағи «Кредит ва лизинг бўйича гаров ҳисобидан ундирилган мулк», деб қайта номланди. Бундай аниқликлар олдинги эски таҳрирдаги ҳисобварақлар режасида мавжуд эмас эди.

Шуларга мос равишда янги таҳрирдаги ҳисобварақлар режасида амалга оширилган лизинг операцияларидан олинган даромадлар учун тижорат банклари балансининг 4-«Даромадлар» қисмида ҳам алоҳида 45100-«Лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар» ҳисобварақлар туркуми очилди. Ушбу ҳисобварақлар туркуми қуйидаги асосий баланс ҳисобварақ-ларини ўз ичига олади;

45101-«Бошқа банкларга берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар»

45103-«Жисмоний шахсларга берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар»

45105-«Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар»

45107-«Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларга берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар»

45109-«Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар»

45111-«Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар»

45113-«Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар»

45115-«Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар»

45117 - «Муддати ўтган лизинг бўйича фоизли даромадлар»

45119 - «Шартлари қайта кўриб чиқилган лизинг бўйича фоизли даромадлар»

45121 - «Суд жараёнидаги лизинг бўйича фоизли даромадлар.

Ҳатто, янги ҳисобварақлар режасида тижорат банклари томонидан олинган лизинглар бўйича харажатлар ҳисобини олиб бориш учун ҳам алоҳида балансининг 5-«Харажатлар» қисмида 54198 - «Бошқа банклардан олинган лизинг бўйича фоизли харажатлар» ва 54199-«Бошқа лизингга берувчилардан олинган лизинг бўйича фоизли харажатлар» номли ҳисобварақлар очилди. Бундай ўзгартиришлар билан тижорат банкларида нафақат лизинг операциялари ҳисоби такомиллаштирилди, балки улардан олинаётган даромад ва бошқа тўловлар ҳамда улардан тўланадиган солиқ базаси ҳисоби ҳам бирмунча ойдинлаштирилди. Бу эса тижорат банклари-нинг молиявий ҳисоботларининг аниқ ва ойдин бўлишига ижобий таъсир кўрсатди, албатта.

Тижорат банкларининг асосий мақсади аслида кўпроқ даромад топишдир, шу билан бирга ҳукуматимиз томонидан лизинг операциялари бўйича берилаётган имтиёزلардан самарали фойдаланишдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 3122-сонли Фармонидан кейин лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди, ПФ 325-



сонли Фармони<sup>33</sup>га мувофиқ эса тижорат банларнинг лизинг бўйича хизматлардан олинган даромадларни солиқ солиш базасидан чиқариб ташлаш бўйича имтиёз берилди.

Ҳисобварақлар режасининг эски таҳририга биноан лизинг тўловлари берилган кредитлардан олинган даромадларга қўшиб юборилганлиги сабабли, тижорат банклари ушбу тўловларни кредит фоизларидан алоҳида ҳисоб-китоб қилиб, ажратиб олишга мажбур эдилар. Бу эса тижорат банки учун бир томондан техник қийинчиликларни келтириб чиқарса, иккинчи томондан юқоридаги Президент Фармонларига мувофиқ лизинг ва солиқ тўловлари ҳисобини юритишда ноаниқлар ва тушунмовчиликларни келтириб чиқарар эди. Лекин тадқиқотимиз давомида шу нарса маълум бўлдики, фикримизча, янги таҳридаги 290-сонли «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар Режаси» даги лизинг ҳисобини яна ҳам такомиллаштириш лозим.

Биз юқоридаги фикрларимиздан келиб чиққан ва давом эттирган ҳолда, 290-сонли «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар Режаси»даги куйидаги баланс ҳисобварақларини олиб ташлаш лозим, деб ҳисоблаймиз:

15603-«Жисмоний шахсларга берилган лизинг»

45103-«Жисмоний шахсларга берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар».

Шунингдек, 2000 йил 25 майдаги Қонун<sup>34</sup>нинг тегишли моддаларига мувофиқ юридик шахс мақомини олмаган, лекин белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектларига яқка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари оилавий тадбиркорлар, оддий ширкат ва деҳқон хўжалиқларини ҳам киришини ҳисобга олиб, айрим ҳисобварақларни номлашни таклиф этамиз(6-жадвалга қаранг).

6-жадвал

**ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалик филиалида лизинг операцияларини  
ҳисобварақларда акс эттириш бўйича таклифлар**

<b>Ҳозирги таҳрирда</b>	<b>Таклиф этилаётган вариант</b>
15605-«Яқка тартибдаги тадбиркорларга берилган лизинг»	15605-«Юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига берилган лизинг»
45105-«Яқка тартибдаги тадбиркорларга берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар»	45105-«Юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар»

Тижорат банклари эса ўз операцияларининг деярли барчасини кредитлар ҳисобига эмас, балки жалб қилинган ресурслар ҳисобига амалга оширади, яъни тижорат банклари бу имтиёздан тўлиқ фойдалана олмайдилар, башарти тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлари ҳам тўловли (фоизли, харажатли) маблағлар сирасига киради. Бундай ҳолатлар ўз навбатида, тижорат банкларини лизинг операциялари бўйича фоизларни маълум даражада ушлаб туришларига мажбур этади ёки тижорат банклари лизинг операцияларининг бошқа лизинг компаниялариникига нисбатан бирмунча қимматлашишига олиб келади. Бу эса мижозлар томонидан тижорат банклари лизинг операцияларига бўлган талабининг қисқаришига, шунингдек, мамлакатда энг катта ресурс базасига эга бўлган тижорат банклари маблағларидан реал секторни замонавий асосий фондлар билан таъминлаш, айти вақтда мамлакатда долзарб бўлиб турган уларни янгилаш масалалари учун носамарали фойдаланишга олиб келади.

Шундай экан бу борада яъни, республикада тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган лизинг операцияларини янада ривожлантириш учун куйидаги ўзимизнинг

<sup>33</sup> ЎЗР Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ №325-сонли Фармони. –Т.: 2006 йил 17 апрел.

<sup>34</sup> ЎЗРнинг «Тадбиркорлик фаолиятини эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун. –Т.: 2000 йил 25 май

айрим фикрларимизни билдирамиз.

Фикримизча, айти вақтда худди шу йўлни лизинг операцияларини янада ривожлантириш учун ҳам қўллаб, бу билан мамлакатда реал тармокни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шунингдек, банклар ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш мумкин бўлади.

### **2.3. ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида лизинг тўловлари ва уларни бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш**

Тижорат банкларида лизинг тўловини моҳиятини ёритиб берилиши бўйича турлича фикрлар берилган. Ушбу фикрлар иқтисодчи олим М.А. Юлдошев томонидан<sup>35</sup> батафсил очиб берилган.

Лизинг тўловига бизнинг фикримизча Фуқаролик Кодексида батафсил таъриф берилган, яъни «Лизинг тўлови лизинг берувчига лизинг объекти қийматининг лизинг олувчи томонидан қопланишидан, шунингдек лизинг берувчининг фоизли даромадидан иборат бўлади»<sup>36</sup>. Ушбу таъриф тижорат банклари фаолиятига ҳам тегишли бўлади ва у лизинг шартномасининг асосини ташкил этади.

Лизинг шартномасини расмийлаштириш жараёни тижорат банкларида қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши тавсия қилинади: а) банк томонидан лизингга ариза қабул қилиниши ва лизинг олувчи билан музокаралар олиб бориш; б) лизинг олувчининг тўлов қобилияти ва унинг лойиҳасининг самарадорлиги тўғрисида хулоса чиқариш; в) лизинг шартномасини тайёрлаш ва тузиш; г) лизинг берувчи банк томонидан ускуналар етказиб берилиши учун сотувчига буюртма-наряд жўнатиш; д) лизинг объектини сотиб олиш - сотиш тўғрисидаги шартномани имзолаш; е) лизинг ускуналарини оидинланишига қабул қилиб олиш; ж) лизинг олувчи ва суғурта компанияси ўртасида лизинг объектини суғурталаш тўғрисидаги шартномани имзолаш.


Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида лизинг тўловларини ҳисоблаш муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш натижасида лизинг тўловлари миқдорини ҳисоблаш лизингнинг тури, тўлов шакли ва тўловлари усуллари Иқтисодиётни модернизациялаш вазифасига қараб турли усуллар билан амалга оширилиши мумкин.

Бунда лизинг тўловларини ҳисоблаш бўйича услубий тавсияларда уларни такомиллаштириш назарда тутилган. Бу лизинг тўловларининг миқдорига ҳақиқатдан ҳам таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда лизинг қийматига тузатишлар киритишдан иборат бўлади. Бунда биринчи босқичда лизингга берилаётган ускунанинг ҳар ойлик қиймати ҳисобланади. Иккинчи босқичда лизинг тўловининг умумий қиймати аниқланади. Ҳисоблашлар услубий тавсияларда келтирилган формулага асосан ҳар бир ой бўйича изчиллик билан амалга оширилади. Учинчи босқичда лизинг бадаллари тўловининг жадвали тузилади. Лизинг тўлови ўзининг туркумланишига қараб алоҳида турларга бўлинади (3-чизмага қараранг).

Тижорат банкларида миждозларга лизинг хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ ҳисобварақлар актив ҳисобварақлар бўлиб, уларнинг дебетида лизинг бўйича соф инвестициялар қиймати, яъни лизинг объектини сотиб олиш учун тўланган маблағлар суммаси, кредитида эса лизинг бўйича асосий қарзни сўндириш учун келиб тушган, шунингдек 15617-«Муддати ўтган лизинг» ва 15619-«Шартлари қайта кўриб чиқилган лизинг» ҳисобварақларига ўтказилган пул маблағлари суммаси акс эттирилади. Аналитик ҳисоб ҳар бир лизинг шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади. Лизинг объекти эса лизинг олувчининг балансида ҳисобга олинади.

<sup>35</sup> Юлдошев М.А. Ўзбекистонда лизинг операцияларининг ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.н. илмий дараж. автореферати. Тошкент: 2007. 21 б.

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003 й. 496 б. –Б 234.



Лизинг тўловларининг суммаси амортизация ажратмалари, лизинг ставкаси (кредит фоизи), коммиссион тўловлар ва кўрсатилган қўшимча хизматлар учун ҳақдан ташкил топади. Лизинг тўлови таркибига лизинг шартномаси шартларига мувофиқ лизинг берувчи томонидан суғурта объекти учун тўланган суғурта тўловлари ҳам киритилиши мумкин. Лизинг ставкаси кредит учун фоиз тўлови ҳисоб-китоби каби аниқланади ва 16323- «Лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар (моливий ижара)» - ҳисобварағида ҳисобга олинади. Лизинг тўловлари лизинг олувчи томонидан жадвал асосида тўланади. Жадвал тарафлар келишуви билан тузилиб, лизинг шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Лизинг тўлови пул ўтказиш йўли билан амалга оширилганда, лизинг олувчи лизинг тўловини амортизация ажратмалари, фоизлар, коммиссион ва қўшимча тўловлар алоҳида ажратиб кўрсатиш билан аниқлаштириб берилши шарт. Лизинг тўлови келиб тушгандан сўнг ажратиб кўрсатилган алоҳида тўловлар бўйича банк томонидан тегишли бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади. Лизинг учун фоизлар, коммиссион ва бошқа тўловлар тижорат банклари бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига мувофиқ банк даромадига ёзилади.

Ўзбекистон тижорат банкларида лизингга фоизлар ҳисоблаш Марказий банкнинг 25/8-сонли Низом<sup>37</sup>га кўра қуйидаги формула орқали ҳисобланади ва балансда кунлик акс эттириб борилади:

$$L_{\phi} = (L_{\kappa} \times \Phi_c \times K_a) : 365$$

$L_{\phi}$  – лизингнинг фоизи;

$L_{\kappa}$  – лизингнинг сўндирилмаган қолдиқ сўммаси;

$\Phi_c$  – фоиз ставкаси;

$K_a$  – лизингдан фойдаланганлик амалдаги кунлар сони.

<sup>37</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1306-сон билан рўйхатга олинган Марказий банкнинг 25/8-сонли «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида» ги Низом. –Т.: 2004 йил 30 январ


Лизинг бўйича фоиз ставкаси ҳисобланганда 16323- «Лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар (моливий ижара) ҳисобварағи дебетланиб, 45100-«Лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар» тегишли ҳисобварағи кредитланади. Мижоз (лизинг олувчи) дан лизинг тўлови келиб тушганда, 20200-«Мижозларнинг талаб қилиб олинганча сақланадиган депозит-лар» ҳисобварағи дебетланиб, 15600- «Лизинг (молиявий ижара)» тегишли ҳисобварақлари ва 16323- «Лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар (моливий ижара)» тегишли ҳисобварағи кредитланади. Банклар томонидан молиявий лизингни амалга ошириш ва ҳисобга олиш тартибини тўлиқроқ кўриб чиқиш мумкин (4-чизмага қаранг).

1. Банк томонидан лизингга ариза қабул қилинади ва лизинг олувчи билан музокаралар олиб борилади;

2. Лизинг олувчининг молиявий ҳолати баҳоланиб, лойиҳанинг самарадорлиги тўғрисида хулоса чиқарилади ҳамда ижобий қарор қабул қилингандан сўнг лизинг шартномаси тузилади ва лизинг олувчига алоҳида шахсий ҳисобварақ очилади. Шунингдек, лизинг олувчининг муддатли мажбурияти ва гаров сифатида олинган лизинг таъминоти кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан кирим қилинади:

а) Дт 91905–Қарздорларнинг узоқ муддатли кредитлар ва лизинг бўйича мажбуриятлари, Кт 96349–Қарздорларнинг узоқ муддатли кредит-лар ва лизинг бўйича мажбуриятлари контр-ҳисобварақ.

б) Дт 945хх–Гаров сифатида олинган қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкый ҳуқуқлар (талаблар), Кт 96381–Гаров сифатида олинган қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкый ҳуқуқлар (талаблар) бўйича контр-ҳисобварақ».



4-чизма Банклар томонидан молиявий лизингни амалга ошириш ва ҳисобга олиш

3. Банк - лизинг берувчи томонидан сотувчига (ускуналарни етказиб бериши учун техник топшириқлар илова қилинган) буюртма-наряд жўнатади ва улар ўртасида лизинг ашёсини сотиб олиш-сотиш шартномаси тузилади.

4. Банк - лизинг берувчи томонидан маблағлар (лизинг объектини сотиб олиш учун) ни сотувчига ўтказиб беради ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади: Дт 156хх– Лизинг бўйича мижозларнинг шахсий ҳисобварағи, Кт 16103–Банклараро ҳисоб - китоблар бўйича олинадиган маблағлар ёки мижоз ҳисобварағи.

5. Сотувчининг банкида электрон тўлов тизими (ЭТТ) орқали келиб тушган электрон ҳужжатлари асосида маблағлар лизинг объекти сотувчисининг шахсий ҳисобварағига кирим қилинади, бунда қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади: Дт 16103 - Банклараро ҳисоб - китоблар бўйича олинадиган маблағлар, Кт 202хх - Сотувчининг талаб қилиб олинганча сақланадиган депозитлари.

6. Сотувчи лизинг объектини лизинг олувчига етказиб беради.

7. Лизинг объектини фойдаланишга қабул қилингани тўғрисидаги далолатнома 2-хафта ичида лизинг берувчига тақдим этилади.

8. Лизинг берувчи ҳар куни дастурий тарзда лизинг ставкаси (фоизи) ни ҳисоблаб боради, бунда қуйидаги бухгалтерия ёзуви бажарилади: Дт 16323 – Лизинг

бўйича ҳисобланган фоизлар, Кт 451 хх–«Берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар».

9. Лизинг тўлови келиб тушганидан сўнг ажратиб кўрсатилган алоҳида тўловлар бўйича банк томонидан тегишли бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади, бунда: Дт 202хх – лизинг олувчининг талаб қилиб олинган сақланадиган депозитлари - лизингнинг тўлови суммасига, Кт 156хх - лизинг бўйича миждозларнинг шахсий ҳисобварағи, Кт 16323 - лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар – лизинг ставкаси (фоизи) ёки амортизация суммасига.

Демак, лизинг операцияларини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттиришда унинг хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Шу жумладан молиявий лизинг жараёнида тижорат банклари томонидан уларни объект сифатида тегишли аналитик счётларда ҳисобга олиш керак.

1. Ўзбекистонда ҳисоб тизими ва молиявий стандартларни халқаро стандартларга ўтказишда энг аввало, уларни миллий ҳисоб тизимига мос келишига қараб аста-секин бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида жорий этиш керак, деб ўйлаймиз. Булар иқтисодий эркинлаштириш шароитида молиявий ҳисоботни халқаро стандартларидан фойдаланиш, ундаги ҳисоб ва ҳисобот тизимига мослаш, улар асосида шаклланаётган бухгалтерия ахборотларини таққослаш имконини берувчи бухгалтерия ҳисоби концепцияларини ишлаб чиқишда намоён бўлади.

2. «Ижара ҳисоби» номли 6-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида лизинг (молиявий ижара) нинг таърифи узоқ муддатли ва қисқа муддатли ижаралардан ажратилиб кўрсатилади ва унинг ҳисоби ҳам алоҳида қайд этилиши, лизинг объектини ҳам оддий ижара объектдан алоҳида ажратиб кўрсатилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

3. Тижорат банкларида лизинг операциялари уларнинг ҳисоб сиёсатида мос келиши лозим. Ушбу нуқтаи назардан лизингга берувчи банкда лизинг операцияларининг ҳисобини ташкил этишда асосан икки жиҳатида эътибор бериш керак:

- лизингни дастлабки тан олиними;
- лизингни кейинги ҳисоби ва уни баҳолаш.

4. Тижорат банкларида лизинг операцияларини расмийлаштириш жараёни босқичлари тавсия қилинди.

5. Тижорат банкларида лизинг операцияларини қуйидагича акс эттириш таклиф этилмоқда, жумладан, 15605 –«Юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига берилган лизинг счёти, 45105-«Юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар» счёти.

6. Лизинг объекти тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишини ҳисобга олиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган жисмоний шахслар учун очилаган 15603-«Жисмоний шахсларга берилган лизинг» счёти ва 45103-«Жисмоний шахсларга берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар» счётларини чиқариб ташлаш лозим.

7. 16515-«Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи» номли ҳисобварақни «Объектларни ижарага олиш ҳуқуқи» ва «Ижарага олинган объектларни такомиллаштириш ҳуқуқи» номли алоҳида ҳисобварақларга ажратиш, бунда «Объектларни ижарага олиш ҳуқуқи» номли ҳисобварақнинг дебет қолдиғидаги лизингга олинган асосий воситалар қийматини мулк солиғи тўлаш базасидан лизинг шартномаси амал қиладиган муддатгача чиқариб ташлаш лозим.

8. Ўзбекистонда лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш катта салоҳиятга эга. Лекин бу иқтисодийнинг реал секторини ривожлантиришда давлат ва хусусий капитал қўйилмаларининг етишмаслиги билан чегараланиб қолмоқда. Лизинг хизматларини иқтисодийнинг барча тармоқларида ривожлантириш зарур, бунинг учун лизинг қийматини арзонлаштирадиган чора-тадбирларни кўриш лозим, деб ҳисоблаймиз. Энг аввало, бу қонунчиликдаги имтиёзлар ва эркинлаштиришлар бўлиши мумкин.

Жумладан,тижорат банклари учун лизинг хизматларини янада кенгайтириш ва ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

а) Тижорат банклари томонидан мижозларга қўрсатилаётган лизинг операциялари учун ўрнатиладиган лизинг тўловлари ставкасини Марказий Банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражасидан оширмаслик лозим.

б) Тижорат банкларининг даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган база лизинг (муддатли) учун ажратилаётган маблағлар ҳажмларининг кўпайган сўммасига камайтирилиши, фақат бунда бўшайдиган маблағлар юқорида кўрсатилган мақсадлар бўйича фоиз ставкаларини туширишга мақсадли йўналтирилиши белгилаб қўйилиши керак.

### **3-Боб. ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалик филиалида лизинг операциялари аудитини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш йўллари**

#### **3.1. ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалик филиалида лизинг операциялари аудитини ташкил этиш**

Иқтисодий ислохатларнинг бошланғич босқичида амалга оширила-диган иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва ислохатларнинг чуқурлаш-тирилиши натижасида тижорат банклари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, аудиторлик текширувларидан ўтказиш, ҳамда ҳисоб-китобни яхшилиш мақсадида уларга маслаҳат, йўл-йўриқ, ҳуқуқий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатадиган малакали хизматнинг янги шакли - аудиторлик фаолиятига эҳтиёж янада кучаймоқда. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Тадбиркорлик манфаатини ҳимоя қилишда аудиторлик фаолиятининг мавқеини янада ошириш керак»<sup>38</sup>.

Бундай фаолиятнинг асосий вазифаси, биринчи навбатда, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиб турадиган бухгалтерлик ҳисоби тизими ва фаолият натижаларини баҳолайдиган жорий ва йиллик ҳисоботларнинг ишончлилиги ва айниқса, қонунийлигини тасдиқлашдан иборатдир.

Ҳар қандай фаолият, хусусан, аудиторлик фаолияти самарали бўлиши учун даставвал, унинг пухта ва аниқ режаси ёки дастурини тузиш лозим. Уларнинг мазмуни қўйилган мақсад ва уни бажариш учун белгиланган аниқ вазифалардан келиб чиқади.

Аудитни режалаштириш ва ташкил этиш чоғида аудиторлик ташкилоти томонидан қўлланиладиган меъёрлар 3-сонли «Аудитни режалаштириш» номли аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти билан белгиланади. Юқорида таъкидланганидек, аудит режасини пухта тузмасдан, сифатли аудит текширувини ўтказиш мумкин эмас. Шу боисдан ушбу стандартга батафсилроқ тўхталиб ўтиш лозим.

Амалда аудитни умумий режалаштириш жараёни аудиторлик ташкилоти билан хўжалик юритувчи субъект ўртасида шартнома тузилгунга қадар бошланади. Бу ҳолат кўп ҳолларда, агар миждоз билан шартнома тузилмаса, аудитни режалаштириш билан боғлиқ харажатлар қайси манбалар ҳисобидан маблағ билан таъминланиши тўғрисидаги саволни юзага келтиради. Кейинчалик шартнома тузилган ҳолда аудитни дастлабки режалаштиришга доир ишлар қиймати ўтказиладиган аудиторлик хизматининг умумий қийматига қўшилади, акс ҳолда, у аудиторлик ташкилотининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши лозим. Аудит режа ва дастурини қўйидаги умумий тамойиллар асосида тузиш лозим:

– комплекслик (ходиса ва хусусиятлар йиғиндиси). Дастлабки режалаштиришдан то режа ва дастурни ишлаб чиқишда ҳамма босқичларни бир-бирига боғлиқлигини таъминлаш;

– узлуксизлик. Аудит фирмасининг муттасил миждоз билан узоқ муддат ичидаги (йил ва ундан ортиқ) аудит ўтказишда стратегик ва техник иш режасини бир-бири билан боғлиқлигини ифодалаш;

– энг қулай, энг мақбул режалаштириш. Бунда бир неча усул (вариант) ларни ишлаб чиқиш, қўриб ўтиш ва энг қулайини танлаш.

– сафарбар этувчи-реал негизга таянган, лекин мутахассиснинг тежамкор меъёрлардан вақтида фойдаланиш.

Банк аудитини режалаштирилишида методологик иш юритилиши ва дастур дастаклари ифода этилиши керак<sup>39</sup>.

Режалаштириш аудиторлик текширувининг бошланғич босқичи бўлиб, аудиторлар режа тузилгунга қадар бевосита текширув жараёнини бошламасликлари лозим. Юқорида

<sup>38</sup> Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топгириш тараққиёт гарови. - Тошкент, «Туркистон» газетаси, 2001 йил 18 июл, -Б. 1-2.

<sup>39</sup> Эрматов М.К. Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари. -Тошкент, «IQTISOD-MOLIYA», 2009. 144 б. -Б. 90-91.

кўрсатиб ўтилган стандартга мувофиқ банк аудитини режалаштириш қуйидаги босқичларга бўлинади: а) аудитни дастлабки режалаштириш; б) аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш; в) аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш. Ушбу стандарт ҳар қандай корхонани аудиторлик текширувидан ўтказишда аудит режасини ва аудит дастурини тузишни талаб этади. Дарҳақиқат, йирик хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоботларини тасдиқлаш учун катта аудиторлик гуруҳи томонидан текширув ўтказилганда, худди шундай кўп босқичли режалаштириш зарур. Бироқ, унчалик катта бўлмаган, хўжалик муомалалари кам содир бўладиган, бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи микрофирмаларда аудит ўтказилганида, бундай кенг қамровли режа тузиш мақсадга мувофиқ эмас<sup>40</sup>.

Шунингдек, аудит режаси тузилаётганда аудитор томонидан қандайдир бошқа тамойиллар бўйича умумий намунавий режалар ҳам тузиш мумкин. Агар умумий аудит режаси сифатида намунавий режа танланса, у ҳолда режалаштириш чоғида асосий эътиборни аудит дастурини тузишга қаратиш зарур. Режалаштириш аудит ўтказишнинг умумий тамойиллари қатори, уйғунлик, узлуксизлик ва мақбуллик каби хусусий тамойилларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Уйғунлик тамойили аудитнинг дастлабки режасини тузишдан тортиб, то умумий режаси ва дастурини тузгунга қадар бўлган барча босқичларнинг ўзаро боғлиқлиги ва мувофиқлигини таъминлашни назарда тутади. Узлуксизлик тамойили текширувда ишпирок этадиган аудиторларга келишилган топшириқлар белгиланиши ва режалаштириш босқичларининг муддатлар ҳамда таркибий бўлинмалар бўйича боғлиқлигини ифодалайди.

Аудитни режалаштиришнинг мақбуллик тамойили шундан иборатки, режалаштириш чоғида аудиторлик ташкилоти ўзи белгилаган мезонлар асосида аудитнинг умумий режаси ва дастуридан мақбулини танлаш имкониятига эга бўлиши зарур.

Шундай қилиб, аудитни режалаштиришда унинг мазмуни, мақсади ва вазифаларига алоҳида эътибор бериш лозим. Аудитнинг мақсадлари, хусусан, қуйидагилардан иборат бўлади:

- бухгалтерия ҳисобининг моҳиятини экспертиза йўли билан баҳолаш;
- йиллик молиявий ҳисобот маълумотларининг ҳаққонийлигини текшириш ва тасдиқлаш;
- кредит, лизинг операцияларини текшириш ва баҳолаш;
- касса, валюта муомалаларини тафтиш қилиш;
- акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар эмиссияси проспектининг маълумотларини тасдиқлаш;
- асосий воситалар ва уларга тегишли муомалаларни инвентаризация қилиш ва уларнинг ҳақиқатда мавжудлигини тасдиқлаш;
- тижорат банкининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;
- иқтисодиёт ва молиявий ҳуқуқ соҳасидаги янги қонунчилик ҳужжатлари бўйича аниқ маслаҳат (консультация) ўтказиш ва ҳоказо.

Тижорат банкларида аудитнинг умумий режаси олдиндан тузилади (7-жадвалга қarang).

Аудитнинг умумий режасида аудит ўтказишнинг муддатлари ва графигини тузиш, аудиторлик ҳисоботи (хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига ёзма ахборот) ва аудиторлик ҳулосасини тузиш, албатта назарда тутилмоғи лозим. Режалаштириш чоғида аудитор қуйидагиларни ҳисобга олиши зарур:

- келгуси даврдаги вақт сарфи ҳисоб-китоби (такрорий аудит ўтказиш ҳолларида) ва ҳақиқий меҳнат харажатлари;

<sup>40</sup> Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. –Тошкент, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2003. 612 б. -Б. 97.



- муҳимлик даражаси;
- аудиторлик гуруҳини тузиш, аудит ўтказишга жалб қилинадиган аудиторлар сони ва малакаси;
- аудиторларни уларнинг малакавий даражалари ва лавозимларига мувофиқ аудит ўтказиладиган муайян участкаларга тақсимлаш;
- аудиторлик гуруҳининг барча аъзоларига йўл-йўриқ кўрсатиш, уларни мижознинг молия-хўжалик фаолияти билан таништириш;
- аудиторлик гуруҳи раҳбарининг режа бажарилиши ва ёрдамчи аудиторлар ишлари сифати устидан назорат ўрнатиши;
- аудиторлик амалларини бажариш билан боғлиқ услубий масалаларни тушунтириш.

7-жадвал

#### Аудитнинг умумий режаси

Аудитнинг умумий режаси	
Текшириладиган ташкилот	ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиали
Аудит даври киши-соатлар миқдори	45 киши-соати
Аудиторлик гуруҳининг раҳбари	Рахимов М.
Аудиторлик гуруҳининг таркиби	5 киши
Режалаштирилган аудиторлик rischi	4,5%
Режалаштирилган жиддийлик даражаси	3,2%

№	Режалаштирилган ишлар турлари.	Ўтказиш даври.	Бажарувчи.	Эслатма
1.	Мижоз фаолияти билан танишиш.	4-5.02.2013	Алимов Т.	
2.	Ички назорат тизимини баҳолаш.	6-9.02.2013	Рахимов М.	
3.	Аудиторлик далиллар	9-11.02.2013	Солиев К.	
4.	Аудит дастури.	4.02.2013	Рахимов М.	
5.	Аудиторлик танлаш.	5.02.2013	Эгамов Т.	
6.	Аудитни бевосита ўтказиш жараёни (дастурни бажариш)	4-18.02.2013	Алимов Т. Рахимов М. Солиев К. Эгамов Т. Собиров С.	
7.	Бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш, барча оралиқ ва умумий ҳужжатларни тайёрлаш.	10-18.02.2013	Алимов Т. Рахимов М.	
8.	Текширув натижаларини мижозга тақдим этиш ва ҳоказо.	19.02.2013	Рахимов М.	

Аудитор режани яхши ва сифатли тузиши ҳамда ишларнинг қутилаётган ҳажминини аниқ ҳисобга олиши учун энг аввало:

- аудиторлик текширувини ўтказиш юзасидан тузилаётган шартнома шартларини ҳар томонлама мукамал ўрганиши;
- ўтказиладиган аудитнинг энг муҳим масалаларини ажратиб олиши;
- махсус эътибор талаб қиладиган шартларни аниқлаши;
- текшириладиган тижорат банки фаолиятининг предметини ҳисобга олган ҳолда янги қонунлар, низомлар, йўриқномалар ва бошқа алоқадор меъёрий ҳужжатларнинг аудитга таъсирини ўрганиши;

– текшириладиган тижорат банки ҳисоб тизими ва ички аудит тизимининг ишончлилик даражасини аниқлаши;

– ички аудиторларнинг ишларини ва уларни аудитга жалб қилиш мумкинлигини таҳлил қилиши;

– тижорат банкининг филиаллари, бўлимлари ва махсус минибанкларида аудит ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиши;

– экспертларни жалб қилиш зарурлигини аниқлаши лозим;

– тижорат банки ички назорат тизимининг самарадорлигини ўрганиб чиқиши ва баҳолаши лозим бўлади.

Ҳозирги кунда тижорат банкларида ички аудит текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш юқорида кўрсатиб ўтилган Марказий Банкнинг «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги 405-сонли Низомига мувофиқ амалга оширилади. Ушбу Низомда тижорат банклари ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг мақсад ва функциялари, ҳуқуқ ва ваколатлари, жавобгарлиги, уларга қўйиладиган талаблар, аудиторлик ҳисоботлари ва бошқалар аниқ кўрсатиб берилган. Низомнинг 3-бандида ҳар бир банкда ички аудитни ўтказиш тартиби ва жараёнлари ишлаб чиқилиши ва Банк Кенгашидан тасдиқланиши белгилаб қўйилган.

Тижорат банкларининг бошқа операцияларидан фарқли ўлароқ, лизинг операцияларини текширишда аудитнинг барча босқичлари - режалаштириш, аудиторлар гуруҳини тузиш, текширув ўтказиш, аудиторлик ҳисоботи ва хулосаларни тузишда махсус ёндашув талаб қилинади. Чунки, фикримизча, лизинг операцияларининг тижорат банклари учун бошқа банк операцияларидан фарқи, бир томондан лизинг кредит муносабатларининг бир турини англатса, иккинчи томондан асосий воситаларни сотиб олиш ва уларни ижарага бериш билан боғлиқ муносабатларга яқин туради. Шунингдек, тижорат банки учун лизинг ўз капиталини сақлаб қолиш ва уни кўпайтириш мақсадида қилинган кредит операцияларига нисбатан бирмунча риск даражаси кам ҳисобланган инвестицион фаолиятнинг бир тури, деб ҳам тушиниш мумкин. Чунки, лизинг операцияларида маблағларни қайтарилишининг асосий гарови бўлиб лизинг объектининг ўзи ҳисобланади. Шуниси билан ҳам лизинг кредит операцияларига нисбатан ишончлидир.

Лизинг операцияларини текширишни режалаштириш босқичида бажариладиган таҳлилий амаллар текшириладиган банк фаолиятини ўрганиш ва аудиторлик рискнинг даражасини пасайтиришга ёрдам беради. Аудиторлардан махсус эътибор талаб қиладиган ва аудиторлик rischi даражаси юқори бўлган, ностандарт ёки нотўғри акс эттирилган фаолият фактлари ва натижаларини аниқлашга ёрдам берганлиги сабабли, таҳлилий амаллар ушбу босқичда ўта муҳим ҳисобланади.

Таҳлилий амаллар кераксиз аудиторлик амалларининг сонини қисқартиришга имкон беради ва текширувга сарфланадиган меҳнат сарфини камайтиради. Пировард натижада, бу аудит сифатини оширади ва молиявий ҳисоботдаги чалкашликларни аниқлашни таъминлайди. Худди шу нарсдан, яъни, бошланғич таҳлилий амаллардан тижорат банкларида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга қараганда анча самаралироқ фойдаланилади.

Тижорат банкларида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга қараганда, ҳисоб-китоблар анча аниқ ва тезкор амалга оширилади, чунки, уларда баланс кунлик чиқарилади. Шунинг учун тижорат банкларининг ички аудит хизмати томонидан банк филиаллари фаолиятини кузатиб бориш, операциялар тўғрисида тезкор маълумотлар олиш ёки Бош банкнинг бошқа тегишли бўлинмалари билан ҳамкорлик натижасида жойида туриб, текширувга чиқмасдан туриб ҳам бошқа хўжалик юритувчи субъектларникига қараганда бирмунча ишончлироқ тарзда бирқанча керакли умумий, жамланма маълумотларга эга бўлиш имконияти мавжуд.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, тижорат банкларининг лизинг операциялари

аудитини режалаштиришда асосан текширилаётган филиал ҳолати, унинг жами кредит қуйилмаларидаги лизинг операцияларининг ҳажми, фоиз ставкалари, ҳар бир лизинг операциясининг миқдори, уларнинг таъминланганлик даражаси ва бошқа маълумотлар текширувга кетишдан олдин Бош банкдан йиғилиб, тўплаб олинади. Бу эса аудиторларнинг жойлардаги текширувларини анча енгиллаштиради ва самарасини оширади, шунингдек, энг асосийси вақтни тежайди. Шундан кейингина амалга оширилган лизинг операциялари жойига чиқиб текширилади. Ушбу текширишда ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ҳолатининг аудити асосан Марказий банкнинг юқоридаги Низоми талабларига мувофиқ кўрилади.

Банк кредит операцияларида кредит суммаси мижознинг ссуда ҳисобрақамидан тўғридан-тўғри чиқарилиб, уларга шу кундан бошлаб фоиз ҳисоблана бошлайди. Лекин, лизинг операцияларида бундай эмас. Яъни, банк (лизинг берувчи) томонидан лизинг объектини сотиб олиш учун маблағ ўтказилган кундан бошлаб банк учун лизинг операцияси бошланган ҳисобланади ва банк шу кундан бошлаб лизинг объекти учун олдиндан тўлов ёки жами лизинг объекти суммаси миқдоридаги маблағидан айрилади. Лизинг олувчи учун эса лизинг операцияси банк томонидан лизинг объекти учун қачон маблағ ўтказилганидан қатъий назар, лизинг объекти белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилингандан кейингина бошланади ва у шу кундан бошлабгина лизинг учун фоиз тўлай бошлайди. Бунда, банк лизинг объектига пул ўтказган кундан бошлаб, уни лизинг олувчига етказиб берилгунча давр учун агар шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган бўлса, ҳеч кимдан ҳеч қандай ҳақ олмайди.

Шуни ҳисобга олганда, лизинг операцияларида лизинг объектига пул ўтказилган кундан бошлаб уни етказиб берилгунча бўлган давр жуда муҳим ҳисобланади. Шу сабабли ҳам лизинг операцияларини аудит қилиш ва унга баҳо бериш аудиторлардан алоҳида ёндашув ва билим талаб қилади. Бунда лизинг шартномасини қандай тузилганлиги, унда олдиндан тўловлар ва лизинг объектини етказиб бериш муддатлари ҳамда уларга амал қилинишини ўрганиш ва баҳо бериш аудиторлардан алоҳида эътибор ва ёндошув талаб қилади. Яъни, лизингнинг даромадлиги маълум даражада шу нарсага ҳам боғлиқ. Шунинг учун тижорат банкларининг лизинг операцияларини аудит қилишда лизинг объекти учун олдиндан тўлов ва уни етказиб бериш муддатларининг шартномада қандай белгиланганлиги алоҳида ўрганиб чиқирилиши ҳамда лизинг операциялари давомида ушбу муддатларга айнан амал қилинганлиги текшириб кўрилиши керак. Бунда лизинг объектига ўтказилган маблағ ва уни етказиб бериш ўртасидаги муддат унчалик узоқ бўлмаслиги лозим, чунки, банк ўтказилган маблағ учун ушбу муддат оралиғида ҳеч қандай даромад кўра олмайди. Кўпгина ҳолларда бундай ҳолат лизинг берувчи тижорат банклари, ҳатто аудиторлар назаридан ҳам четда қолади. Бу эса кейинчалик банк учун лизинг нархининг тушиб кетишига ва ресурслардан носамарали фойдаланишига олиб келади.

Ҳозирги кунда тижорат банкларида жалб қилинган ва жойлаштирилган ҳар қандай маблағлар бўйича фоизларни ҳисоблаш ва ҳисоб-китоб қилиш компьютер дастури орқали амалга оширилади. Лекин шу билан бирга бундай технологиялардан фойдаланиш тижорат банклари ходимлари, айниқса, ички аудит ходимларидан махсус билим ва тажриба талаб қилади. Чунки, ҳозирги кунда тижорат банкларида компьютер техникасини ва дастурларини мукамал билмай туриб яхши аудитор бўлиш қийин.

Лизинг операцияларини аудит қилишда аудиторлар томонидан ҳисобланган лизинг тўловларининг ўз вақтида балансда акс эттириб борилиши ва шартномада келишилган муддатларда ўз вақтида ундириб борилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Чунки, ҳисобланган, лекин ундирилмаган ёхуд ўз вақтида ҳисобланмаган ва ундирилмаган фоизлар банкнинг шу вақтдаги молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда ва лизинг операцияларининг ўзига хос хусиятларидан келиб чиқиб, биз томонимиздан «Тижорат банкларининг лизинг операцияларини ички

аудит текширувларидан ўтказиш тартиби ва жараёнлари дастури» ишлаб чиқилди

8-жадвал

ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиали лизинг операцияларида лизинг олувчи бўлиб иштирок этгандаги аудити тартиби

№	Амалга ошириладиган жараёнлар.	Амалга ошириладиган жараёнлар аудити.
1.	Лизингга олинаётган лизинг объектининг ҳақиқатан шу даврда банк фаолияти учун зарурлигининг асослилиги.	Банкнинг лизинг объектига тегишли вазифаларни бажара оладиган ускуналарининг бор-йўқлиги ва уларнинг техник ҳолати ўрганилади.
2.	Лизинг объектини олиш бўйича Қарор мавжудлиги.	Лизинг объектини лизингга олиш бўйича Банк Кенгаши ва Бошқарув Қарорларининг мавжудлиги текширилади.
3.	Лизинг объекти ва сотувчисини танлаш.	Лизинг объекти очик тендер эълон қилиш орқали, реал нархда ва банкка тўлиқ мос келган ҳолда танланган бўлиши керак.
4.	Лизинг шартномасини тайёрлаш ва тузиш.	Бунда лизинг шартномасини тайёрлаш, тузиш, расмийлаштириш ва белгиланган тартибда ўз вақтида имзоланганлиги текширилади. Агар лизинг шартномасининг сўммаси энг кам иш ҳақидан миқдо-
		рининг 200 бараваридан ортик бўлса, банкнинг юридик хизмати раҳбари (хуқуқшунос) томонидан тегишли хулоса қилинган виза қўйилган бўлиши лозим.
5.	Лизинг объектини қабул қилиб олиш тартиби.	Лизинг объекти шартнома шартларига мувофиқ ўз вақтида етказиб берилган бўлиши керак.
6.	Лизинг объектидан фойдаланиш даражаси.	Лизинг объектининг техник ҳолати ва фойдаланиш даражаси текшириб кўрилади.
7.	Лизинг объекти бўйича тўловларнинг тўланиши.	Лизинг объектидан фойдалиниш даври мобайнида лизинг тўловларининг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши бухгалтерия маълумотлари билан солиштириб, текшириб кўрилади.

Ҳозирги кунда банклар лизинг муомалаларида нафақат лизинг берувчилар, балки лизинг олувчилар ҳам бўлиб иштирок этишлари мумкин. Бунда ҳам аудиторлардан банк томонидан лизинг объектларини лизингга олиш бўйича музокара, шартномаларнинг имзоланиши жараёнидан тортиб, унинг техник ҳолати ва бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилганигача тўлиқ текширилади. Айниқса, аудиторлар учун лизинг объектининг бухгалтерия ҳисобида юритилиш тартиби ва у бўйича тўловлар ҳисобининг тўғри олиб борилишини текшириш муҳим ҳисобланади.

Тижорат банкларининг лизинг операцияларида лизинг олувчи бўлиб иштирок этгандаги операциялари аудити тартибини умумий ҳолда акс эттириш мумкин (8-жадвалга қаранг).

Тижорат банкларининг лизинг операцияларида лизинг олувчи бўлиб иштирок этгандаги операцияларини аудит қилишда энг асосий эътибор қаратиладиган жиҳатларидан бири – бу банкнинг лизинг объектини ва сотувчини танлаши ва шартномани имзолаш жараёнидир, шунингдек, лизинг объектидан лизинг шартномаси муддати мобайнида ва ундан кейин фойдаланиш даражаси самарадорлиги масаласи муҳим масала бўлиб қолади.

### 3.2. ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида лизинг операциялари ички аудитини такомиллаштириш

Республикаимиз тижорат банкларида лизинг операциялари аудитини ташкил қилишда айрим муаммолар устида ҳам тўхталиб, ўзимизнинг айрим шахсий фикр-мулохазаларимизни билдирмоқчимиз. Тижорат банкларида лизингни расмийлаштириш жараёнининг аудити тартибини қуйидагича келтириш мумкин (9-жадвалга қаранг).

Лизинг операцияларини аудитдан ўтказувчи ходим учун лизинг операцияларини текширишнинг энг муҳим жиҳати - бу лизинг олувчининг лизинг олаётган даврдаги молиявий ва тўлов қобилиятини тўғри ўрганилганлигини қайтадан текшириб кўриш, жорий фаолиятининг қониқарлиги ва лизинг тўловларининг доимийлиги устидан мониторингнинг тўғри йўлга қўйилганлигига баҳо бериш, ҳамда филиалнинг маблағларини ва даромадларини сақлаб қолиш rischi даражасини аниқлашдан иборатдир.

Шунингдек, лизинг операциялари амалга ошириладиганда, бухгалтерия амалиётларининг қандай бажарилганлиги ва шу давр оралиғида маблағлардан фойдаланиш даражасини ўрганиш айниқса, муҳим ўрин тутди. Чунки, кредит операцияларидан фарқли ўлароқ, битирув малакавий иш мизнинг 2-бобида кўрсатиб ўтилганидек, лизинг объектларини сотиб олиш тартиби худди асосий воситаларни сотиб олиш тартибига ўхшаш бўлади. Шунинг учун ҳам лизинг операцияларини бажарилишида лизинг объектини сотиб олиш жараёнида маблағлардан қандай фойдаланганлик даражасини ўрганиш ҳам муҳим ҳисобанади.

9-жадвал

Лизингни расмийлаштириш жараёнларининг аудити тартиби

№	Амалга ошириладиган жараёнлар.	Амалга ошириладиган жараёнлар аудити.
1.	Банк томонидан лизингга ариза қабул қилиниши ва лизинг олувчи билан музокаралар олиб бориш.	Лизинг бўйича йиғма жилдда аризанинг мавжудлиги ва ўз вақтида махсус журналда рўйхатга олинганлиги текширилади.
2.	Лизинг олувчининг лизинг олиш учун ариза билан бирга тақдим қилган ҳужжатларини қабул қилиб олиш (юримдик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларидан ташқари): - охириги ҳисобот санасига бухгалтерия баланси; - ўз молиявий ишлаб чиқариш имкониятларининг таҳлили; - лизингнинг бутун муддати учун пулнинг келиб тушиши прогнози кўрсатилган бизнес-режа; Юримдик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари фақат лизингнинг бутун муддати учун пуллар келиб тушиши кўрсатилган бизнес-режа тақдим этадилар.	Мижознинг лизинг бўйича йиғма жилдида ҳужжатларнинг мавжудлиги текширилади.  Бухгалтерия баланси белгиланган тартибда Давлат Солиқ инспекциясидан тасдиқланган бўлиши керак.
3.	Лизинг олувчининг тўлов қобилияти ва унинг лойиҳасининг самарадорлиги тўғрисида ҳулоса чиқариш.	Ҳулосанинг мавжудлиги ва белгиланган тартибда жавобгар шахс томонидан имзоланганлиги ва расмийлаштирилганлиги текширилади.
4.	Лизинг бериш ёки бермаслик	Бунда жавобгар шахс томонидан мижознинг

	тўғрисидаги Кредит қўмитаси Қарорининг қабул қилиниши.	тўлов қобилияти белгиланган тартибда ўрганиб чиқилганлиги, чиқарилган хулоса Кредит қўмитасига тақдим қилинганлиги ҳамда Кредит қўмитаси мижозга лизинг бериш ёки бермаслик тўғрисида Қарор чиқарганлиги, Қарорда Кредит қўмитаси аъзоларининг кўпчилигининг имзоларини мавжудлиги асосий роль ўйнайди.
5.	Лизинг олувчини Кредит қўмитаси Қарори билан белгиланган тартибда ўз вақтида хабардор қилиш.	Лизинг бериш тўғрисидаги ижобий ёки салбий Қарор қабул қилинганлиги ҳақида мижозни огоҳлантириб ёзилган хат нусхасининг мавжудлиги.
6.	Лизинг шартномасини тайёрлаш ва тузиш.	Бунда лизинг шартномасини тайёрлаш, тузиш ва белгиланган тартибда ўз вақтида имзоланганлиги текширилади. Агар лизинг шартномасининг сўммаси белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 200 бараваридан ортиқ бўлса, банкнинг юридик хизмати раҳбари (хуқуқшунос) томонидан тегишли хулоса қилинган виза кўйилган бўлиши лозим. Шунингдек, лизинг шартномаси белгиланган тартибда махсус журналда қайд қилинган ва рақамланган бўлиши керак.
7.	Лизинг берувчи банк томонидан ускуналар етказиб берилиши учун сотувчига жўнатилган буюртма-наряд жўнатилиши.	Лизинг йиғма жилдида сотувчига жўнатилган буюртма-наряд нусхасининг мавжудлиги ва банкда белигланган тартибда рўйхатдан ўтганлиги.
8.	Лизинг объектини сотиш-сотиб олиш тўғрисидаги шартномани тузиш ва имзолаш.	Шартноманинг хуқуқий жихатдан тўғри расмийлаштирилиши ва имзоланиши ҳамда бир нусхасининг йиғма жилдда мавжудлиги, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганлиги текширилади.
.	Лизингга олинаётган ускуналарни фойдаланишга қабул қилиб олишни амалга ошириш.	Фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси барча томонлар-лизинг берувчи, олувчи ва сотувчи томонидан имзоланган бўлиши керак. Олинган ускуналарга сотувчи томонидан техник кафолат берилган бўлиши шарт.
10.	Лизинг объектини суғурталаш жараёни.	Лизинг объекти суғурта компанияси томонидан суғурталанганлиги тўғрисидаги суғурта шартномасининг нусхаси ва суғурта полисининг мавжудлиги текширилади.
11.	Лизинг учун қўшимча таъминот тури қабул қилинган бўлса, унинг расмийлаштирилиши.	Банк кафолати ёки учинчи шахс кафиллиги тақдим қилинган бўлса, улар нусхаларининг йиғма жилдда мавжудлиги ҳамда кафилнинг тўлов қобилиятини тўғри ўрганилганлиги текшириб кўрилади.

Лизинг объекти маълум муддатга қадар фойдаланиш ва эгалик қилиш учун лизинг олувчида бўлсада, лекин лизинг шартномаси шартлари тўлиқ бажарилгунга қадар банк (лизинг берувчи) нинг мулки ҳисобланади. Лекин лизинг объекти лизинг шартномаси

шартлари тўлиқ бажарилиб, лизинг олувчи мулкига ўтгунга қадар ундан фойдаланиш, қараш, сақлаб туриш ва таъмирлаш юзасидан жавобгарликлар лизинг олувчи зиммасига ўтади.

Лизинг объектининг қандай сақланаётганлиги ва ундан қандай фойдаланилаётганлигини лизинг шартномаси муддати давомида жойига бориб текшириб кўриш лизинг операциялари аудитини ташкил қилишнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Чунки, бир томондан лизинг объекти лизинг шартномаси муддати тугагунга қадар банк (лизинг берувчи) нинг мулки ҳисобланса, иккинчи томондан у маълум муддатга банк маблағлари жойлаштирилган риск даражаси мавжуд фаолият объектидир. Лизинг объектлари эса мижозлар (лизинг олувчилар) тури ва фаолияти ҳар хил бўлганлиги каби хилма-хилдир. Улардан бири тиббиёт асбоб-ускуналари бўлса, иккинчиси саноат машиналари ёки бир мижоз компьютер технологиялари учун лизинг сўраган бўлса, иккинчиси тадбиркорлик фаолиятида шуғулланиш учун автотранспорт олган ва ҳоказо.

Ички аудит текширувларини ўтказишда унинг асосий босқичларидан бири текширилаётган объектнинг ҳақиқийлиги ва мавжудлиги, борлигини тасдиқлашдан иборат. Лизинг операцияларини текширишда лизинг объектининг ҳақиқатда мавжудлигини текшириб кўриш ва унинг жорий техник ҳолатига баҳо бериш асосан иқтисодчи мутахассислар бўлмиш ички аудит ходимлари учун бирмунча мураккаб ҳисобланади.

Шундай экан, тижорат банклари лизинг операцияларини текширишда лизинг объектлари, уларнинг технологик хусусиятлари хилма-хиллиги сабабли, ҳар бирининг техник ҳолатини яхши биладиган ва тушунадиган ходимларнинг ички аудит ходимлари ичида бўлиши аҳамиятлидир.

Тижорат банкларида аудит текширувларидан ўтказишда ички аудитнинг ташқи аудитдан фарқлантириб турувчи жиҳатларидан бири шундаки, ички аудитнинг ўз ҳолича, мустақил равишда четдан бошқа мутахассисларни жалб қилиб ёки ўзаро шартнома асосида ишлатишга ваколати йўқ. Ташқи аудит текширувлари эса шартнома асосида четдан ёлланган ташқи аудиторлик фирмалари томонидан ёлланиб ўтказилганлиги сабабли, ташқи аудит текширувларида ташқи аудиторлар томонидан учинчи шахсларни, яъни, масалан, айнан шу лизинг объектини яхши биладиган ва тушунадиган мутахассисларини шартнома асосида ёллаб, лизинг объектининг умумий ва жорий техник ҳолатини тўлиқ текшириб кўриш имконияти мавжуд. Шунингдек, ташқи аудит текширувларида лизинг операциялари ёки шу лизинг объекти фаолияти бўйича олинган натижаларгина ўрганиб чиқилиши мумкин.

Ички аудит текширувларида эса лизинг объекти тижорат банкининг, яъни шу ички аудит ходимлари ишлаётган муассасанинг шахсий мулки бўлганлиги сабабли, ички аудит хизмати ходимларини фақатгина ундан олинган жорий самарадорлик эмас, балки лизинг объектининг кейинги ҳам иқтисодий самарадорлиги, ҳам техник ҳолати қизиқтиради.

Б.Ҳамдамов томонидан бу ҳақда шундай фикр билдирилган: «Назорат нуқтаи назаридан, ҳисоб тизими учун минимал талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади: счётлар режаси ҳамда ҳўжалик муомалаларининг таснифига тааллуқли бўлган баъзи ёзма аниқликлар ва қўлланмалар. Бундай материаллар компьютер тизимида, дастурларда, турли қўлланмаларда, ҳисоб маълумотларини қайта ишловчи блок-схемаларда ва бошқа ҳужжатларда бўлиши мумкин. Корхонанинг ички аудиторлари ва ахборотни қайта ишлаш тизими учун жавобгар ходим бу ҳужжатларни тез-тез кўриб чиқиб, баҳолайдилар. Ташқи аудитор эса бу вазифани қайтадан бажариш ўрнига, бу фаолият натижаларини ўрганиб чиқиши мумкин»<sup>41</sup>.

Шундай экан, тижорат банкларида лизинг операцияларини ички аудит текширувларидан ўтказишда шунга ўхшаш тажрибалардан, яъни лизинг объектини ҳам

<sup>41</sup> Ҳамдамов Б.К. Аудит иқтисоди. -Тошкент, ТМИ, 2005. 251 б. –Б. 87.

иқтисодий, ҳам техник ҳолатини яхши тушунадиган мутахассислар ёрдамидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса Ўзбекистон банклари Ассоциацияси қошида лизинг объектларини техник ҳолатини кузатиш ва мониторингини олиб боришга кўмаклашувчи махсус Марказ ёки Гуруҳ ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу Марказ ёки Гуруҳга иқтисодиётнинг турли тармоқларида фойдаланилаётган, тижорат банклари томонидан лизингга берилиши мумкин бўлган асбоб-ускуна, технологияларни ёки кўчар ва кўчмас мулкларни яхши тушунадиган мутахассисларни жалб қилиш лозим. Бу билан Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг ҳам тижорат банкларига берадиган кўмаги янада кенгайган бўлар эди.

Лизинг операцияларини ички аудит текширувларидан ўтказишда айнан шундай Марказ ёрдамга суяниш ички аудит текширувларидан олинadиган натижалар самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса нафақат тижорат банклари, балки бутун мамлакат миқёсида лизингга олинган асосий фондлардан самарали фойдаланиш ва сақлаш имконини беради.

Шундай қилиб, тижорат банклари фаолиятини аудиторлик текширувида аудиторлик фирмаси томонидан тузилган аудит режасида аудитор томонидан қандайдир бошқа тамойиллар бўйича умумий намунавий режалар ҳам тузиш мумкин. Агар умумий аудит режаси сифатида намунавий режа танланса, у ҳолда режалаштириш чоғида асосий эътиборни аудит дастурини тузишга қаратиш лозим. Режалаштириш аудит ўтказишнинг умумий тамойиллари қатори уйғунлик, узлуксизлик ва мақбуллик каби хусусий тамойилларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

Тижорат банкларида лизинг операциялари аудитининг барча босқичлари – режалаштириш, аудиторлар гуруҳини тузиш, текширув ўтказиш, аудиторлик ҳисоботи ва хулосаларини тузишда алоҳида ёндашув талаб қилинади. Бизнинг фикримизча, лизингнинг тижорат банклари учун бошқа банк операцияларидан фарқи, бир томондан лизинг кредит муносабатларининг бир турини англатса, иккинчи томондан асосий воситаларни ижарага бериш билан боғлиқ муносабатларга яқин туради.

Тижорат банкларидаги лизинг операцияларининг ички аудит текширувида мутахассисларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун Ўзбекистон банклари ассоциацияси қошида лизинг объектларини техник ҳолатини кузатиш ва мониторингини олиб боришга кўмаклашувчи махсус Марказ ёки Гуруҳ ташкил этиш лозим.



## Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари бўйича олинган хулосалардан келиб чиққан ҳолда, ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида лизинг операцияларини янада ривожлантириш, улар ҳисоби ва аудитини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш борасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Молиявий лизингнинг хусусиятини ҳисобга олиб, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари талаблари асосида лизингнинг асосий гуруҳланиши аниқланди.

2. «Ижара ҳисоби» номли 6-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида лизинг (молиявий ижара) нинг таърифи узоқ муддатли ва қисқа муддатли ижаралардан ажратилиб кўрсатилади ва унинг ҳисоби ҳам алоҳида қайд этилиши, лизинг объектини ҳам оддий ижара объектдан алоҳида ажратиб кўрсатилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз

3. ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиали учун лизинг хизматларини янада кенгайтириш ва ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

а) тижорат банклари томонидан миқдорларга кўрсатилаётган лизинг операциялари учун ўрнатилган лизинг тўловлари ставкасини Марказий Банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражасидан оширмаслик лозим;

б) тижорат банкларининг даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган база лизинг (муддатли) учун ажратилаётган маблағлар ҳажмларининг кўпайган сўммасига камайтирилиши, фақат бунда бўшайдиган маблағлар юқорида кўрсатилган мақсадлар бўйича фоиз ставкаларини туширишга мақсадли йўналтирилиши белгилаб қўйилиши керак.

4. ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида лизинг объекти кейинчалик тадбиркорлик фаолияти мақсадида фойдаланишини кўзда тутган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган ва ўрнатилган тартибда (якка тадбиркор сифатида) рўйхатдан ўтмаган жисмоний шахсларга лизинг хизматлари кўрсатилиши мумкин эмас. Шу сабабли, ушбу масала бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилиши лозим, деб ўйлаймиз.

5. ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида лизинг операцияларини расмийлаштириш жараёни босқичлари тавсия қилинди.

6. ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида лизинг операцияларини қуйидагича акс эттириш таклиф этилди, жумладан, 15605 –«Юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига берилган лизинг счётини 45105-«Юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларига берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар» счёти.

9. Лизинг объекти тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишини ҳисобга олиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган жисмоний шахслар учун очилаган 15603-«Жисмоний шахсларга берилган лизинг» счёти ва 45103-«Жисмоний шахсларга берилган лизинг бўйича фоизли даромадлар» счётларини чиқариб ташлаш лозим.

10. 16515-«Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи» номли ҳисобварақни «Объектларни ижарага олиш ҳуқуқи» ва «Ижарага олинган объектларни такомиллаштириш ҳуқуқи» номли алоҳида ҳисобварақларга ажратиш, бунда «Объектларни ижарага олиш ҳуқуқи» номли ҳисобварақнинг дебет қолдиғидаги лизингга олинган асосий воситалар қийматини мулк солиғи тўлаш базасидан лизинг шартномаси амал қиладиган муддатгача чиқариб ташлаш лозим.

11. ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиалида лизингни расмийлаштириш жараёнларининг аудити тартиби кўриб чиқилди. Лизинг операциялари аудитида лизингга олувчининг молиявий ва тўлов қобилияти, мониторингни йўлга қўйилганлиги, банкнинг маблағларни сақлаб қолиш rischi даражасини аниқлашдан иборат амаллар бўйича тартиб таҳлил этилди.

Битирув малакавий ишидаги таклиф ва тавсияларни ОАТБ «Ипотекабанк»нинг Олмалиқ филиали амалиётига жорий этиш нафақат банк ёки мижозлар учун самарали бўлади, балки мамлакатдаги реал соҳани ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш имконини беради деб ўйлаймиз.